

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

VATANPARVAR

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2023-yil 14-yanvar, №2 (3013)



BIZ
HAQIMIZDA

@ vatanparvar-bt@umail.uz

t.me/mv_vatanparvar_uz

t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

IJTIMOIIY-SIYOSIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI

SARHADLARIMIZ



DAXLSIZLIGI
KAFOLATI
6

O'zbekiston Respublikasi
Qurolli
Kuchlari

31

yoshda

“HARBIYLIK



QISMATIM”
11



18 ARMIYA

SPORTCHILARINING BAYRAM SOVG'ASI

yanvar

VATAN HIMOIYACHILARI KUNI

ZOBIT ERSANG, ZAFAR QOLDIR

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБІЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БІР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, профессионал миллий армияни шакллантириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Ботиров Иқболжон Қобилжонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

«Мардлик» ордени билан

Дехқонов Отабек Валиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
Махбубов Рустам Мамарасулович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари
Ниёзов Нодиржон Абдукаримович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари катер командири ёрдамчиси
Отошев Муроджон Жумязович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси звено командири
Рузиев Бекзод Шухратович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бригада командири
Эшонқулов Шахбоз Бекмаҳаматович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Гиляждинов Рафаэл Талгатович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси бўлим бошлиғи
Давлатов Иномжон Ғуломжон ўғли – Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйи директорининг тарбиявий ишлар бўйича биринчи ўринбосари
Долбилина Наталия Геннадьевна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази катта офицери
Жаксимов Даулетмурат Базарбаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедра бошлиғи
Ортиков Акмалжон Кобулович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи
Паизбеков Тимурлан Курбанбаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Аллаёров Дилшод Эгамқулович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлини маси бошлиғи
Мирзакаримов Бахриддин Абдижалилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқармаси тиббий таъминот хизмати бошлиғи
Петрова Ольга Викторовна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ ҳарбий госпитали бўлим мудир

«Жасорат» медали билан

Абдурахманов Фарход Фахритдинович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассиси
Абдурахмонов Сарвар Абдунабиевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взвод командири
Ғайбуллаев Олмосбек Абдурахмонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари
Джалилов Анвар Химматиллоевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Самарқанд вилояти бўйича махсус отряди гуруҳ командири
Жумамуратов Азим Рахимович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармаси бўлим сафдор ходими
Маҳматқулов Шарифбек Умедуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи станция бошлиғи

Тураев Алижон Марадович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм мутахассиси
Улуғбоев Аббос Аҳмадалиевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳ командири
Хошимов Дониёр Холикович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассиси
Шодиёров Голиб Эркинович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья катта техниги – йўриқчиси

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Бекмуратов Учқун Қиличович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряд командири
Бердиев Жобир Маҳмаджонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим катта техниги
Бобоев Комил Жумаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти Бухоро вилояти кенгаши раисининг ўринбосари
Болтабоев Раҳмат – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси кафедра профессори
Джойлиев Акрам Эргашевич – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати отряд инспектори
Ёдгоров Абдуғани Жалилбой ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони гуруҳ командирининг ўринбосари
Жумаев Зоҳиджон Баротович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бўлим бошлиғи
Жураев Алижон Абдиразоқович – Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди гуруҳ йўриқчи-қутқарувчиси
Идиев Аскар Абдурашидович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири
Исаков Хаёт Холматович – Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув отряди гуруҳ йўриқчи-қутқарувчиси
Исмаилов Раматжон Нуратдинович – Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув қисми йўриқчи-қутқарувчиси
Кенжаев Бунёд Эшболтаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири
Қорахонов Мансур Исмаилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари
Қурбонов Элёржон Зокиржонович – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори
Маматов Дониёр Абдурахимович – Наманган вилояти Божхона бошқармаси бўлим бошлиғи
Муратқабиллов Рустам Бахрамович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Самарқанд вилояти Қўриқлаш бошқармаси гуруҳ сафдор ходими
Нурмуродов Асрор Эшдавлатович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи
Расулов Иляс Рустамқулович – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғининг ўринбосари
Рахимов Мурод Жумабаевич – Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра катта ўқитувчиси
Рўзиев Алишер Махмуд ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири
Умарова Барно Акбутаевна – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи
Утаев Акрам Жўрақулович – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси
Хайдаров Қаҳрамон Ўктамович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти бўлим бош мутахассиси
Халиқов Убайдулла Хусанович – Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ички ишлар бўлими бўлини бошлиғи
Хасанов Баходир Махсуджанович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи
Холматов Ойбек Ҳамидович – Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи
Ҳошимов Мухриддин Ўктам ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

Шаропов Каҳрамон Ходиевич – Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

Эшқобулов Асилбек Якубович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Эшонқулов Содикжон Собирович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошқарма бошлиғи
Яров Илҳомжон Исломович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командирининг ёрдамчиси

«Шуҳрат» медали билан

Абдуқодиров Акбар Анвар ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири
Аллаёров Очилди Ибрагимович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги батальон командири
Аҳматов Шахбозжон Шухратджонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси бўлим бошлиғи
Балтаев Худайберди Атабаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедра катта ўқитувчиси
Жуманов Элёр Мухаммадович – Жиззах вилояти Дўстлик тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари
Ибрагимов Шухрат Жавлиевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Термиз» халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича батальони назоратчиси
Мадрахимов Давронбек Матякубович – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлини ма командири
Олимова Иродахон Валижон қизи – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм телефон станцияси навбатчиси
Садиков Хусан Умаралиевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бош бошқармаси батальон сафдор ходими
Сатторов Мелс Нурали ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг биринчи ўринбосари
Тилаов Эркин Бурханович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи секция командири
Тоҳиров Ҳамза Ҳакимович – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбий сафарбарлик бўлими бош инспектори
Тошпўлатов Шерали Журабаевич – Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гуруҳ йўриқчи-қутқарувчиси
Тураева Лолаҳон Юлдашевна – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи бош ўқитувчиси
Турумбаев Дауран Айтжанович – Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ҳарбий прокурорининг ўринбосари
Умбетова Айгул Фарҳадовна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм тиббиёт пункти фельдшери
Ҳабибуллаев Асадулло Махсуд ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи радиостанция бошлиғи
Холиков Равшан Номирович – Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Сирдарё тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисми смена бошлиғи
Ҳамроев Суннатбек Шойимкул ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Чинов Фазлиддин Хусниддинович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси
Эргашев Садриддин Жўрабой ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Эшонқулов Нуриддин Кулдошев – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони секция командири
Яхшиев Рўзимурод Ибодуллаевич – Қашқадарё вилояти Божхона бошқармаси бўлим катта тезкор вакили

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 12 январь

ПРЕЗИДЕНТ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ, САРҲАДЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИ ВА ҲУДУДИЙ ЯХЛИТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Мудофаани бошқариш миллий марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, Қуролли Кучларимизнинг қўмондонлик таркиби, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимиз мудофааси ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича 2022 йилда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, ўтган йили ҳам Қуролли Кучларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, қўшинларнинг жанговар шайлиги ва руҳий тайёргарлигини ошириш, бўлинмаларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш давом эттирилди.

Барча куч тузилмаларининг ўзаро ҳамкорликдаги ахборот-коммуникация тизимлари Қуролли Кучларни бошқариш жараёнларига изчил интеграция қилинмоқда. Давлат чегарасини қўриқлаш ва химоя қилиш тизимини такомиллаштириш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мунтазам амалга оширилмоқда. Қуролли Кучлар бошқарув органлари ва қўшинларни биргаликда тайёрлаш тизимига хорижий армияларнинг ижобий тажрибалари жорий этилмоқда.

«Халқ ва армия бир тану бир жондир» деган эзгу тамойил ўз натижасини берди. Ҳарбий-маъмурий секторлар фаолияти самарасида ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмаси тўлиқ янгиланди, янги ўқув полигонлари барпо этилди.

Ватан химоячиларининг ижтимоий-ҳуқуқий химояси ҳам мустаҳкамланди. Ўтган йили 3 мингдан ортиқ оила уй-жой билан таъминланди. Ҳарбий аёллар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида «Тўмарис» нишони таъсис этилди. Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари олий таълим муассасаларига имтиёзли

асосда ўқишга кирди, рафиқалари ва ҳарбий пенсионерлар иш билан таъминланди.

Йиғилишда соҳадаги долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ҳозирги шиддатли геосиёсий қарама-қаршилиқлар шароитида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахборот хавфсизлиги ва бошқа соҳаларда кескин муаммолар пайдо бўлмоқда. Мураккаб халқаро вазият, хавфсизликка нисбатан хавф-хатар ва таҳдидларнинг кучайиши Марказий Осиёда ҳам кузатилмоқда.

– Энг катта бойлигимиз бўлган тинч ҳаётни асраш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, келажақ режаларимизни белгилашда ана шу ҳолатларнинг барчасини инобатга олишимиз зарур, – деди Шавкат Мирзиёев. – Биз ҳар қандай вазиятда ҳам Ўзбекистоннинг давлат суверенитети, унинг сарҳадлари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашимиз шарт. Бу – бизнинг тарих ва келажақ авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиз ва мажбуриятимиздир.

Шулардан келиб чиқиб, навбатдаги устувор вазифалар белгиланди.

Аввало, Қуролли Кучларни рақамлаштиришни жадаллаштириш, соҳадаги вазирлик ва идораларнинг барча ахборот ресурсларини ягона хавфсиз ахборот майдонига бирлаштириш зарурлиги таъкидланди. Мудофаани бошқариш миллий маркази бу тизимнинг ўзаги бўлади.

Ҳарбий таълим дастурларини илғор тажриба асосида янгилаш, педагоглар малакасини ошириш, Ҳарбий инженерлар мактабини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизнинг сафарбарлик соҳасидаги тайёргарлиги ва ҳудудий мудофаасини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш вазифаси қўйилди. Қўмондонлик

таркибининг қўшинларни бошқариш ва воситаларни қўллаш бўйича малакасини ошириши зарурлиги қайд этилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ва жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш бўйича тавсиялар берилди.

– Бизга бу кучни четдан излашнинг ҳожати йўқ. Шонли тарихимиз, бой илмий ва маданий меросимиз, баҳодир аجدларимизнинг ҳаёти ва фаолияти биз учун чинакам ибрат мактаби, – деди давлатимиз раҳбари.

Дунёда рўй бераётган гибрид характердаги қуролли тўқнашувлар таҳлили Қуролли Кучларимиз жанговар қобилиятини оширишни тақозо этмоқда. Шу боис миллий армияни замонавий техникалар билан таъминлаш, жумладан, ҳарбий авиация ва ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини ривожлантириш долзарблиги таъкидланди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий химоя қилиш масалаларига эътибор қаратилди. Улар учун ипотека асосида кўп қаватли уйлар қуриш, ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминотини тартибга солиш, ҳарбий тиббиёт муассасалари шароитларини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари сўзга чиқди. Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Сўзининг якунида Президент барча ҳарбийларни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ва Ватан химоячилари куни билан табриклади.

(ЎЗА)

НАВБАТДАГИ ҲАРБИЙ УНВОНЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг тегишли фармонида мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг қуйида номлари келтирилган ҳарбий хизматчиларига навбатдаги генерал-майор ҳарбий унвони берилди:



Мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкурафий ишлар бўйича ўринбосари полковник Қаршиев Ҳамдам Аликулович



Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Саидов Айбек Азадович



Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Шерматов Фарҳоджон Ортиқович

Ҳарбий унвонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев тантанали равишда топширди.

ПРЕЗИДЕНТ ҲАРБИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ БОРИБ КЎРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 январь куни Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпиталини бориб кўрди.

Илгари бу шифохонанинг бинолари ҳам, иш услуби ҳам эски эди. Давлатимиз раҳбари 2018 йилда бу ерга келиб, уни реконструкция қилиш ва замонавий жиҳозлаш бўйича топшириқлар берган эди. Шу асосда катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Тиббий ускуна ва жиҳозлар янгиланди. Бошқарувда клиник менежмент жорий этилди.

Госпиталь жами 700 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, соҳа фахрийлари бепул даволанади. Шунингдек, бошқа беморларга ҳам пуллик хизмат кўрсатилади. Бунинг учун 286 хил диагностик текширув, 600 дан ортиқ амалиёт йўлга қўйилган, 30 га яқин ихтисослашган бўлим ташкил этилган.

Хусусан, жарроҳлик бўлимлари учун 8 қаватли янги бино барпо этилган. Давлатимиз раҳбари ундаги шароитлар билан танишди. Бундай шифохоналарни ҳудудларда ҳам ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Ҳарбийлардан ташқари спортчилар ва аёлларни даволаш бўйича тавсиялар берилди.

Таълим билан амалиёт боғлиқлиги ҳам самарали йўлга қўйилган. Илгари бундай мутахассислар Тошкент тиббиёт академиясининг ҳарбий тиббиёт факультетида тайёрланар эди. Президентимизнинг 2020 йил 22 октябрдаги «Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мазкур факультет негизида Ўзбекис-

тон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси тузилди.

Аҳамиятлиси, ушбу таълим маскани Марказий ҳарбий клиник госпиталь ёнида қурилди. Президент бу ердаги шароитларни ҳам кўздан кечирди.

Академия 250 нафар талаба ва тингловчиға мўлжалланган. Бу ерда бўлажак ҳарбий шифокорлар ўқитилади ҳамда тиббиёт ходимлари қайта тайёрланади. Ўқув биносида 2 та факультет, 5 та кафедра, 2 та марказ, институт ва маъмурият жойлашган. Хоналарда ўқув ва машғулотлар учун барча шароит яратилган. 186 ўринли ётоқхона ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари академиядаги таълимнинг мазмунига алоҳида аҳамият қаратди.

– Бино ва шароитлар яхши, лекин бу ишнинг бошланиши. Энди асосийси, ҳарбий тиббиётнинг мазмунини, моҳиятини тушуниб, ўқишни тўғри йўлга қўйиш керак. Бунинг учун хориж тажрибаси асосида педагогик, илмий ва амалий тизим яратиш зарур. Бу тизим бошқа тиббиёт олий ўқув юр்தларига муқобил ва рақобатчи, битирувчилар ўз йўналиши бўйича намуна бўлиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Академияда хорижий бошқарувни жорий этиш, илк битирувчиларни Туркия ва Жанубий Корея каби мамлакатларга малака оширишга юбориш бўйича кўрсатмалар берилди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Қадрли юртдошлар!

Сизларни, сизлар орқали кўпмиллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қувончли айёмда ўз ҳаётини она юрт ҳимоясидек улуғ ишга бағишлаган сиз, азизларга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, мард ва олижаноб халқимиз ўзининг муқаддас қасамёдига ҳамиша содиқ бўлиб, хизмат бурчини ерда ҳам, кўкда ҳам шараф билан адо этаётган сизлар каби забардаст фарзандлари – баҳодир ва довурак ҳарбийларимиз билан ҳақли равишда фахрланади.

Муҳтарам дўстлар!

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида миллий армиямизнинг қиёфаси ва салоҳияти тубдан ўзгарди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган, ҳаракатчан ва пухта қуролланган қудратли кучга айланди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Дунёда юзага келган ҳозирги мураккаб вазиятда Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитетини, унинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, энг қимматли бойлигимиз – жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини барчамиз албатта чуқур англаймиз.

Айнан шунинг учун ҳам биз 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири этиб белгиладик.

Ушбу стратегия асосида Қуролли Кучларнинг тезкор бошқарувини амалга ошириш, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилдик.

Ўтган йили ҳарбий қисмларда илк бор **«Амир Темур жанговар байроғи учун»** мусобақалар бўлиб ўтди. Қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ҳарбий аъналарни янада мустаҳкамлаш, буюк аجدодларимизга муносиб мард ва жасур, билимли ва жисмонан бақувват Ватан ҳимоячиларини тарбиялашда ушбу мусобақалар бекиёс аҳамиятга эга.

Айни вақтда азму шижоатли аскарларимиз халқаро майдонларда ўтказилаётган кўплаб нуфузли ҳарбий мусобақаларда ҳам фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ҳарбийлари Халқаро армия ўйинлари, «Кембрия патрули» ва бошқа йирик ҳарбий-спорт мусобақаларида бир неча йиллардан буён салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани барчамизни қувонтиради.

Ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича тизимли ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада ўтган йили мамлакатимиз бўйлаб «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳаракатини ташкил этганимиз ҳамда барча умумтаълим мактабларида мазкур ҳаракатнинг 20 мингдан зиёд ўқувчи ёшларни қамраб олган гуруҳлари тузилгани фарзандларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлаш лозим.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳамда соҳа фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Фақат сўнгги бир йилнинг ўзида 3 мингдан ортиқ ҳарбийлар уй-жой билан таъминланди, салкам 2 минг ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсияномалар берилди, 4 мингдан зиёд ҳарбийларнинг турмуш ўртоқлари касбга ўқитилиб, ишга жойлаштирилди, 1250 нафар ҳарбий пенсионернинг бандлиги таъминланди.

Қадрли юртдошлар!

Бугунги кунда бутун жаҳонда, жумладан, бизнинг минтақамизда, бевосита чегараларимиз яқинида турли таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бормоқда.

Дунёда рўй бераётган гибрид характердаги қуролли тўқнашувлар таҳлили биздан Қуролли Кучларимизнинг жанговар ҳаракатлар жараёнида илгари амалда қўлланилмаган қуроллардан фойдаланадиган кучларга қарши кураша олиш қобилиятини оширишни тақозо этмоқда.

Бундай шароитда, аввало, жанговар ҳаракатларнинг самарали шакл ва усулларини тадқиқ ва татбиқ этиш, Қуролли Кучларнинг ягона автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш ва ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ишларни жадаллаштиришимиз лозим.

Мамлакатимиз ҳудудларининг оператив жиҳозланишини таъминлаш, ҳудудий мудофаа ва фуқаро муҳофазаси тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат органлари барча субъектларининг фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича тайёргарлик даражасини кучайтириш муҳим вазифадир.

Мудофаа саноатини тизимли ривожлантириш, учувчисиз учиш аппаратлари, зирҳли автомашиналар комплексини такомиллаштириш ишлари ҳам фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, қуйи погоналардаги бўлинмаларнинг ахборот-психологик таъсирларга бардош бера олиш қобилиятини оширишга қаратилган тайёргарлик ишларини доимий йўлга қўйиш зарур.

Маълумки, биз 2023 йилни мамлакатимизда **«Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»** деб эълон қилдик.

Шу мақсадда ҳарбий қисмларда шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини, билим ва малакаси, дунёқарашини юксалтириш, уларнинг касбий ва маданий қизиқишларини қўллаб-қувватлаш масалаларига муҳим аҳамият берилади.

Ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш,

моддий ва тиббий таъминотини яхшилаш, ҳудудларимизда ҳарбийлар учун узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар асосида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш бундан буён ҳам олдимиздаги муҳим ва устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади.

Бугунги қутлуғ айёмда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: **ҳарбий-жанговар салоҳият ва юксак маънавий салоҳият Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айланиши зарур**. Шонли тарихимиз, буюк аجدодларимиз, енгилмас саркардаларимиз жасорати, уларнинг **«Билаги зўр – бирни енгар, онги ва юраги зўр эса – мингни»** деган доно ўғитлари бизга айнан мана шундай ҳаётий ҳақиқатни ўқтиради.

Шу маънода, ҳарбий таълим ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида, миллий ўзлигимиз, эзгу қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш тизимини янада такомиллаштириш барчамизнинг энг муҳим вазифамиздир.

Ўтган йили узлуксиз ҳарбий таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш бора-сида жиддий қадамлар ташланди.

Қуролли Кучлар академияси ислоҳ қилиниб, келгусида унинг ҳарбий илм-фан соҳаси локомотивига айланиши учун мустаҳкам замин яратилди. Эндиликда олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам янгича ёндашув ва ўқув услублари жорий этилади.

Навқирон авлодимизни бугунги ахборот маконида мавжуд таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларда ёт ва зарарли ғояларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшлар, айниқса, уюшмаган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги амалий ишларимиз самарадорлигини оширишимиз зарур.

Табиийки, ушбу вазифаларни бажаришда **«Халқ ва армия – бир тану бир жондир!»** деган тамойилдан келиб чиқиб, ҳарбий-маъмурий секторлар ва кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Бугунги шонли айёмда мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги фидокорона хизматларингиз учун барчангизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз, азизларни, сизлар орқали оила аъзоларинингиз Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 31 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, олижаноб ва масъулиятли хизмат вазифангизда улкан зафарлар тилайман.

Куч-ғайратингиз, шаъну шарафингиз янада зиёда бўлсин!

Эл-юртимизнинг юксак меҳри ва ишончи сизларга доимо ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони
(ЎЗА)

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 январдаги фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бир гуруҳ ходимлари ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

13 январь куни Президент Администрациясида ушбу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев барча ҳарбий хизматчиларни ва соҳа фахрийларини мазкур шонли сана билан табриклади.

– Мамлакатнинг ҳарбий салоҳияти замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан бирга ботир аскар ва офицерлар билан, уларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги билан белгиланади. Шу маънода, миллий армиямизнинг чинакам қудрати бу аввало сизлар – ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ишга бағишлаган жонкуяр ва фидойи инсонлардир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизда ихчам ва тезкор, катта ҳарбий салоҳиятга эга замонавий армия барпо этилди. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг янги, муносиб авлоди шаклланди. Президентимиз ғояси асосида халқ билан армия бир тану бир жон бўлди. Ҳарбийлик обрў-эътиборли касбга, ёшлар орзу қиладиган соҳага айланди.

Давлатимиз раҳбари бугунги қудратли армияни

барпо этишда минг-минглаб фидойи инсонларнинг улкан хизматлари борлигини таъкидлади.

– Барча ислохотларимиз замирида «инсонни қадрлаш» деган олижаноб мақсад мужассам, – деди Президент. – Бу, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг оиласини, маҳалласи тинчлигини, юрт осойишталигини таъминлаш дегани. Инсонни қадрлаш учун биринчи навбатда осмонимиз мусаффо, сарҳадларимиз дахлсиз, чегараларимиз мустаҳкам бўлиши керак. Бугун сизлар мана шундай вазифани шараф билан адо этмоқдасиз.

Маросимда давлатимиз раҳбари ҳарбий унвон тўғрисидаги гувоҳномаларни, орден ва медалларни тантанали равишда топширди. Ватан ҳимоячиларига мустаҳкам соғлиқ, азму шижоат, масъулиятли хизматида муваффақиятлар тилади.

Бу йилги тантанали тадбир яна жиҳати билан эсда қоларли бўлди. Маълумки, Амир Темур бобомиз биронта жангда енгилмаган, Соҳибқироннинг байроғи ҳамиша баланд ҳилпираб турган. У бугунги авлодлар учун қатъият, ҳарбий маҳорат, ғурур ва ифтихор тимсолидир.

Шу боис Президентимиз ташаббуси билан армия тизимида «Амир Темур жанговар байроғи» мукофоти таъсис этилди. Бу борада ўтказилган танловда Марказий ҳарбий округ ғолиб бўлди.

Маросимда ушбу округ қўмондонига илк бор «Амир Темур жанговар байроғи» тантанали равишда топширилди.

– Бу округ ўтган қисқа даврда ҳарбий хизматчиларни жисмоний ва маънавий тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий қисмларда ўқув-моддий базани мустаҳкамлаш бўйича муҳим натижаларга эришди. Бу ижобий тажрибани чуқур ўрганиб, уни барча қўшинларга татбиқ этиш зарур, деб ҳисоблайман. Шу билан бирга, барча ҳарбий округларимизга Амир Темур бобомизнинг музаффар байроғига сазовор бўлиш бахтини тилайман, – деди Олий Бош Қўмондон.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққанлар юксак ишонч ва эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

(ЎЗА)

ОППОҚ ТОНГЛАР ОТГАНДА

Тунда бироз қоғоз қоралагим келди. Ташқари сутдек ойдин эди. Соатга қарамасдан тахмин қилдим: тонг оқаряпти. Бир-икки соат ўтса-да, ойдинлик ҳамон ўша-ўша. Ойнани очдим, бирданига совуқ, тоза ҳаво ёпирилиб кирди. Юзимга қор учқунлари тегди. Ҳамма жой оппоқ қорга бурканибди: томлар, катта йўл, дарахтлар, буталар. Қордан экан ойдинлик.



Бу галги байрамана шундай ҳаволар билан бошланди. Биз ҳар нарсадан яхшилик излаган халқмиз. Тинимсиз ёққан ёмғир ва қордан ҳам гўзал умидларимиз бор. Фаровонлик, кут-бараканинг аввалидек севинч-ла қаршилаяпмиз.

Қиш қишлигини қилади-да, деймиз-у, аммо совуқ ҳам забтига олди. Унутилмас бир байрам ҳавоси бўляпти-да! Байрам аталган инсонлар, байрам соҳибларининг ўзлари нима қиляпти?! Улар хизматда! Ўзларининг байрамларида ҳам хизмат бурчларини ўтаяптилар

шараф билан, жасорат билан, матонат билан!

Баъзан ўз-ўзимга савол бераман: агар шу соҳада меҳнат қилмаганимда, Ватан ҳимоячилари куни байрами мен учун шу қадар қадрли бўлармиди? Сўзсиз, бу байрам мен учун ҳар қандай ҳолатда қадрли бўлар эди. Отам туғма ҳимоячи эдилар, акаларим, ўғлим... Азиз ҳимоячиларимнинг байрам куни азиз бўлмасмиди?!

Қутлуғ байрам эгаларининг яна айримлари ихтиёрсиз ёдимга тушади. Негадир кейинги йилларда Абдул-

ла ака «Vatanparvar» тахририятига хат ёзмай қўйдилар. Ҳа, ҳа, ўша, шаҳид ўғлонимиз Улуғбек Барноевнинг отаси-да!

Нега ёзмаяпсиз, Абдулла ака? Биздан эътиборсизлик ўтдимиз? Хатларингиз биз учун ҳам қадрли, унутманг! Улар шунчаки хотиралар эмас, ёш авлодга шаҳид жангчининг ўгитлари, сўнгсўзларидир.

Умр йўлдошингиз билан суҳбатларимиз ҳамон хотирамда. Фарзандлар ҳақида оналардан ўтказиб ҳикоя қила олмайсиз. «Оппоқ қорли тонгда туғилди, шундай чиройли болаки...» Ўшанда опанинг гўзал хотиралардан чарақлаб кетган кўзлари эсимда қолган. Бир гўзал қисса бўлишга арзирли хотиралар.

Суҳбатларингизга жуда муштоқмиз. Ватаннинг азиз парчасига айланган шаҳидимиз Улуғбек Барноевнинг азиз отаси, онаси, қутлуғ айём – Ватан ҳимоячилари куни муборак бўлсин!

Ҳаётда турфа одам бор. Шундайлар учрайдики, заҳарли тиллари билан ярали жойингга урадилар.

...Қишлоқда бировнинг тўйи эди. Бир уй аёл йиғилган. Ҳеч ким бир-бирига гап бергиси келмайди. «Худога шукр, ўғлим мол боқса ҳам, бағримда, орзу-ҳавасини кўриб ўтирибман...» Вағир-вуғур бирпасда тинди. Бу гап Янглиш опанинг фарзанд доғи кетмаган кўксига ўқдек қадалди. Ҳамма уни томоша қилиб тургандек туюлди.

Опа овозидаги титроқни зўрға босиб шундай деди:

– Ўғлим ҳаётда арзирли, ўзига муносиб бир ишнинг бошини тутиш-

ни истади. Ва бу йўлни ўзи танлади. Бағримда бўлмаса ҳам, мендан кейин ҳам Эломонни иззат билан ёд этадиган инсонлар бўлади...

Янглиш опа, бу юртга Эломондек фидокор ўғилни туғиб берган азиз Она! Сиз ҳақлисиз. Ўзбекистон деган мустақил юрт мавжуд экан, унинг учун азиз жонидан кечган азиз фарзандларини, шаҳидларини унутмайди.

Ватан ҳимоячилари куни байрамининг ҳурматли ҳақдорлари – шаҳидимиз Эломон Отажоновнинг онаси, отаси, улуғ айём муборак бўлсин!

...Акам бир неча йилки оғир хасталик билан курашяпти. Кенжатоий муддатли ҳарбий хизматни ўтаяпти. Жияним армияга кетиш олдидан бирданига фикридан воз кечмоқчи бўлди: «Ҳарбий хизматга кетмайман. Дадамнинг ёнларида бўламан, акамнинг иш жойлари узоқ...»

– Ҳали-вери ўлиш ниятим йўқ, агар ёнимда қолмоқчи экансан, демак, мен билмайдиган бир нарсадан хабаринг бор. Аҳволим шунчалик оғирми?

– Йўқ-йўқ, шунчаки, ҳафтада уч кун сизни касалхонага ким олиб бориб келади, деб ўйладим.

– Мени деб шундай қарорга келган бўлсанг, ёнимда қолсанг, мени бундай меҳрибонлигинг тириклай ўлдиришини ҳам билиб қўй!

– Сизни тушундим, дадажон!

– Оқ йўл, ўғлим, сенга ишонаман! Вақт жуда шиддатли кечади. Жияним Элёрхоннинг ҳам хизмат муддати охирамда. Отасининг соғлиғи ҳам мақтанадиган эмас-у, яхши.

Қутлуғ айём ана шу фидокор ота-болага ҳам муборак бўлсин!

Қалбларимизни шукроналик, байрамлар завқи тарк этмасин. Ватан бор бўлсин, ҳимоячилари омон бўлсин!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

✓ UCH AVLOD UCHRASHUVI

МУАЗЗАМ МАСКАНДА

Қуролли Кучлар давлат музейида уч авлод учрашуви ўтказилди. Унда мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев, Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори адлия полковниги Ботир Кудратходжаев, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фахрийларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази раиси Ботир Калонов сўзга чиқиб, Юртбошимиз раҳбарлигида озоишталликни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, кексаларни эъзозлаш, эртаимиз эгаларини баркамол инсон қилиб тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Зеро, буюк аجدодларга муносиб авлод бўлиш, юртимиз тараққиётга дахлдорлик ҳисси билан яшаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда қонунларга ҳурмат, адолат туйғусини янада мустаҳкамлаш мақсадида тарих, бугун ва келажакни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш аъёнага айланди. Ушбу тадбирда ҳам Тошкент шаҳрида жойлашган олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, «Темурбеклар мактаби» ўқувчилари ҳамда ҳарбий прокуратуранинг ёш прокурор-тергов ходимлари иштирок этди.

Ўз фаолиятини «Инсон қадрини учун» деган улуғвор ғоя асосида амалга ошираётган Республика Ҳарбий прокуратура органлари Қуролли

Кучлар таркибидаги вазирилик ва қўмиталар билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиб, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва билимини оширишга, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу маънода Прокуратура органлари ходимлари куни арафасида тизимда узоқ йиллар самарали ва ҳалол меҳнат қилган фахрийлар билан ёшларнинг учрашуви фойдали маълумотларга бой бўлди.

Бир йиллик муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, армияда суяги қотанган аскарлар, олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар фахрийларининг сўзларини жон қулоқлари билан тинглади. Ватан ҳимоясининг




масъулияти ва шарафини расман ҳис қилаётган йигитлар, келгусида ўзларини уларнинг ўрнида тасаввур қилаётган ўғил-қизлар учун бир неча ўн йиллик тажриба, ҳаётини воқеаларга асосланган ўгитлар жуда ҳам қизиқарли эди. Қилинган панду насихатлар, тажрибалар ёшлар қалбидан жой олиши,



келгуси хизмат фаолиятларида, ўқиб-изланишларида асқатишига шубҳа йўқ.

Тадбир сўнггида иштирокчилар учун Қуролли Кучлар давлат музейига экскурсия ташкил қилинди.

Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»



Бугун жаҳон ва минтақамиздаги ҳарбий-сиёсий вазият таҳлили Қуролли Кучларимиз олдига қўйилаётган вазифалар кўламини тобора кенгайтириб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Зеро, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг осуда ҳаётини таъминлаш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта.

САРҲАДЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИ КАФОЛАТИ



Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қўмондонлиги сарҳадларимиз дахлсизлигини мустаҳкам қўриқлаш борасида қўйилган вазифаларни ишончли таъминлаб келмоқда. Бугун миллий армиямиз Янги Ўзбекистоннинг чин маънодаги мустаҳкам қалқонига айланди. Соҳага қаратилаётган диққат-эътибор натижасида Чегара қўшинларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланиб, стратегик фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятли офицер кадрлар ва сержантлар таркибини тайёрлаш жараёни янгича ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда ташкил этилмоқда.

Бугунги кунда юртимизнинг олис ва ҳаракатланиш мураккаб бўлган чегара ҳудудларини ишончли қўриқлаш мақсадида ушбу соҳалар замонавий турдаги техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозланиб, учувчисиз учуш аппаратлари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, қўшни давлатлар билан ўзаро самимий ва дўстона муносабатлар йўлга қўйилиши ҳамда оқилона чегара сиёсати олиб борилиши натижасида Ҳукуматлараро комиссия вакилларининг саъй-ҳаракатлари

билан давлат чегарасининг делимитацияси ва демаркацияси, яъни аниқ ўтган жойини белгилаш ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш самардорлигини янада оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон МДХ давлатларининг Чегара қўшинлари қўмондонлари кенгаши аъзоси саналиб, унинг йиғилишлари давомида аъзо мамлакатларнинг давлат мустақиллиги ва чегаралари дахлсизлигини таъминлаш бўйича ҳам қатор ҳамкорлик шартномалари имзоланмоқда. Шунингдек, Тошкентда ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳам фаолият юритади. Ушбу органда аъзо давлатлар ҳуқуқ-тартибот органлари ва махсус хизматларининг, шу жумладан, чегара қўриқловини амалга оширувчи масъул органларнинг кенгаши ҳам фаолият олиб боради. Чегара қўшинлари унинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли вакили сифатида иштирок этиб келмоқда.

Ушбу икки орган миқёсида ўтказилаётган амалий ўқувларда ҳам Чегара қўшинлари бўлинмалари фаол қатнашмоқда, жумладан, 2022 йилда ШХТ доирасида «Граница дружбы – 2022» махсус чегара операциясида иштирок

этилди, МДХ Чегара қўшинлари қўмондонлари кенгаши доирасида эса Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия чегара бўлинмалари иштирокида «Сарҳад – 2022» ҳамкорликдаги махсус чегара операцияси ДХХ Чегара қўшинлари раҳбарлигида ўтказилди.

Давлат чегаралари қўриқловининг самарали ташкил этилиши натижасида давлат чегараси бузилиши ҳолатлари ўтган даврларга нисбатан 26 фоизга камайишига, товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб килилишининг олдини олиш ҳолатлари 34 фоизга, қиймати эса 45 фоизга кўпайиб, жами 230 млрд сўмдан ортиқ товарларнинг ноқонуний айланмасининг олди олинишига эришилди.

Мамлакатимиз тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида бугун ҳарбий қисм ва бўлинмаларда замонавий, барча қулайликларга эга янги намунавий лойиҳадаги Чегарани қўриқлаш взводларини барпо этиш, шунингдек, мавжудларини мукамал таъмирлаш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Юрт ҳимоячилари учун муносиб хизмат ва турмуш шароитларини яратиш мақсадида амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар ҳар бир рақамларда ифодалайдиган бўлсак, сўнгги 3 йилда замонавий турдаги 11 та чегарани қўриқлаш взводи намунавий лойиҳа асосида қурилди, 2 880 та хизмат фонидони фойдаланишга топширилди, 60 та бўлинманинг бино ва иншоотлари капитал таъмирланди.

Туман марказларидан олисда жойлашган чегарани қўриқлаш взводларида 33 та мактабгача таълим ташкилотининг қисқа муддатли гуруҳлари ташкил этилди ва 85 нафар ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғи ишга қабул қилиниб, уларда 533 нафар ҳарбий хизматчи ҳамда 127 нафар маҳаллий аҳолининг фарзандлари тарбияланмоқда. Олис ҳудудларда жойлашган ҳарбий шахарчаларда истиқомат қиладиган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларига қатнашлари учун 30 та мактаб автобуси харид қилинди. Бўлинмаларда ташкил этилган 28 та кичик тикув цехида 97 нафар ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғи иш билан таъминланди.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, инсон қадрлари улуғланаётган, барча ислохотлар унинг эркин, фаровон ва бахтли ҳаёт кечириши учун хизмат қиладиган Янги Ўзбекистонда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида юрт ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва янги уй-жойлар билан таъминлаш масаласига шундай юқори эътибор қаратилар экан, сарҳадларимиз посбонлари ҳам ушбу ғамхўрлик ва қулайликлардан руҳланиб, оиласидан кўнгли тўқ ҳолда давлат чегараларини янада масъулият билан мустаҳкам қўриқлайдилар.

**Полковник
Собиржон ИСАКОВ**
ДХХ Чегара қўшинлари



ХАЛҚ ВА АРМИЯ

Юртимизда Ватан ҳимояси каби улуғвор ишга ўзини бағишлаган ҳарбийларимиз катта ҳурмат ва эъзоз билан қадрланиб, ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни катта байрам ва шодиёна билан ўтказилади. Бу каби эътибор ва эътироф масъулиятли касб эгаларининг Ватан олдидаги хизматлари юқори баҳоланишини намоён этиб, уларнинг келгусидаги фаолиятига ҳам куч-қувват, ҳам шижоат ва албатта, садоқат бағишлайди.

Бу йил Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 31 йиллигини нишонлаяпмиз. Мамлакатимизда фақатгина ҳарбийларгина эмас, балки барча юртдошларимиз бу кунни тинчлик ва осойишталик байрами сифатида кенг нишонламоқда. Ушбу байрам арафасида барчамиз Ватан, халқ ва армия бир-бирига қанчалик яқин ва муштарак эканини ҳар доимгидан ҳам теранроқ ҳис қилмоқдамиз.

Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Сўнгги йилларда мудофаа ва хавфсизлик соҳаларида амалга оширилган ислохотлар натижасида «Халқ ва армия – бир тану бир жон!» деган олижаноб ғоя ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолияти, хусусан, кенг жамоатчилик ҳаётига кириб борди. Ватан ҳимояси Ўзбекистон фуқароларининг нафақат вазифаси, балки шарафли бурчига айланди.

Буни Қуролли Кучларимиз нуфузи ва қудратидан ифтихор туяётган ҳарбийлар, муқаддас бурчини ўтаб қайтган ёки хизматга боришга шайланаётган минглаб йигитлар, уларни дуолари билан қўллаётган ота-оналару кексаларимизнинг, севимли ёри хизматдан қайтишини интиқ кутаётган мунис опа-сингилларимизнинг, ҳарбий акаларига ўхшаб Ватанига содиқ фарзанд бўлиш иштиёқида униб-ўсаётган ёшларимизнинг кайфиятидан ҳам яққол ҳис қилиш мумкин.

Ортда қолган йилда ҳам, қолаверса, байрам муносабати билан эзгу мақсад ва чуқур маъно-мазмун касб этган «Миллий армиямиз Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам қалқонидир!» ғояси остида кенг қамровли ташкилий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилган «Ватанпарварлик ойлиги»да ҳам ҳарбийларимиз халқимизнинг дарду ташвиши, тинчлиги ва фаровонлиги билан уйғунлиги, фуқароларимизнинг онгу шуурида эса уларга, миллий армиямиз ва ҳарбий хизматга нисбатан чинакам ишонч ҳисси чуқур илдииз отганлиги яна бир қарра намоён бўлди. Зеро, мустақиллик аталмиш олий неъматни асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз саналади.

Бу борада она Ватанимиз мудофааси йўлида фаолият юритаётган

Ўзбекистон армияси, унинг сафларида халқи учун садоқат билан хизмат қилаётган ҳарбийларимиз алоҳида эътирофга лойиқ.

Эътибор берадиган бўлсак, охириги йилларда Асосий қонунимиз меъёрлари асосида ҳарбий соҳага оид қонун ҳужжатлари қайтадан кўриб чиқилиб, армиямизнинг ҳуқуқий мақоми янада мустаҳкамланди. Инсон омили энг олий қадрият ҳисобланган давлатимизнинг бошқарув сиёсатидаги мақсад ва вазифаларига мос равишда ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун имтиёз ва шароитлар, ҳуқуқий кафолатлар кўлами кенгайтирилиб, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи устувор даражага кўтарилди.

Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларда ҳам «Инсон қадрлари учун» деган муҳим тамойил марказий ўринга қўйилмоқда. Ўз навбатида, қонунчилигимизда ҳарбий хизматчиларга хизмат қилиш ва яшаш учун муносиб шароит яратиш, уларни ва оила аъзоларини хизмат уйи билан таъминлаш, тураржойни ижарага олганлик учун ҳар ойлик товон пули тўлаш, уй-жойни хусусийлаштириш, хонадон сотиб олиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш, фарзандлари учун олий таълим муассасаларига киришда алоҳида квоталар ажратиш каби қатор имтиёзлар ҳамда бунга доир ҳуқуқларни амалга ошириш тартиби такомиллаштирилди.

Шуни ҳам инобатга олиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари ходимлари бир вақтнинг ўзида ҳам ҳарбий хизматчи, ҳам прокуратура ходими ҳисобланади. Ҳарбий прокуратура ҳарбий хизматчилари томонидан 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни касб байрами, яъни 8 январь – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни қаторида нишонланади. Бугунги кунда Республика Ҳарбий прокуратураси органлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳамнафас такомиллаштирилди.

2022 йил 20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси фаолияти юзасидан ҳисобот тақдим этилди. Унда ҳарбий прокуратура органлари томонидан олиб борилаётган вазифаларнинг мазмун-моҳияти «Инсон қадрлари учун» тамойилини рўёбга чиқаришга қаратилаётганлиги қайд этилди.

Хусусан, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳамда кадр-қимматини самарали ҳимоя қилиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ва ҳарбий хизматдан бўшатишда фуқароларни ишга жойлаштиришда ҳарбий бошқарув органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, фаолиятни рақамлаштириш орқали ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий ҳимояси, уй-жой билан таъминлаш, уларни рағбатлантириш ва интизомий чоралар қўллашнинг қонунийлигини таҳлил қилиб бориш ҳарбий прокуратура органларининг асосий вазифалари эканлиги таъкидланди.

Қайд этиш лозимки, ҳарбий прокуратура органлари ўз фаолиятини «Қуролли Кучларда қонунлар ижроси доимий халқ назоратида» тамойили асосида олиб бориши бўйича янги тартиб жорий этилди. Яъни бунда аҳоли томонидан ҳарбий прокуратура веб-сайтига таклиф ва мулоҳазалар бериш имкониятини яратиш, аҳоли билан оммавий қабуллар ўтказиш ва мурожаатларни қабул қилиш ҳамда ўтказиладиган ўрганиш каби тартиблар йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, ҳарбий хизматчиларга Қуролли Кучлар ҳамда бошқа соҳалардаги ислохотлар, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини тўлақонли етказишга алоҳида эътибор қаратилади. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳудудлардаги мактаблар ҳарбий прокуратура идораларига бириктирилиб, «прокурорлик соатлари» ташкил этилади.

Тизимда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшинларда ҳарбий интизомни барқарор сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хил ижро этилишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳарбий прокуратура органлари томонидан 2022 йилда 1 200 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган, 308 та ҳужжат қонунга мувофиқлаштирилди, 9 500 дан ортиқ шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланди. Қуролли Кучларда қурилиш дастурларига киритилган лойиҳа-смета ҳужжатлари назорат тартибида кўриб чиқилиб, 24 млрд сўмдан ортиқ бюджет маблағи иқтисод қилинишга эришилди. Ҳарбий прокуратура протестларига асосан судларнинг 10 та қарори қонунга мувофиқлаштирилди. Аввал судланган 6 нафар шахс оқланди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва билимларини ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик, бурчга садоқат ва эл-юрт тақдирига дахлдорлик руҳида тарбиялаш мақсадида ёшлар иштирокида ҳарбий қисм ва муассасаларда очик эшиклар куни ва турли анжуманлар, таълим даргоҳлари ва меҳрибонлик уйларида

очик мулоқот, ташвиқот ишлари, «прокурорлик соатлари», «Прокурор ва ёшлар» учрашуви каби 10 000 дан ортиқ тадбир ўтказилди. Бандликка кўмаклашиш мақсадида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида ҳарбий хизматчиларнинг ишлаш истагини билдирган 654 нафар оила аъзоси доимий иш билан таъминланди.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, янги қонун ҳужжатлари, қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, суд-ҳуқуқ, мудофаа ва хавфсизлик соҳаларидаги ислохотлар моҳиятини тушунтириш учун давлат ҳокимияти вакиллари, Қуролли Кучлар таркибидаги вазирлик ва идоралар қўмондонликлари ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлигида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва чегара олди ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида мунтазам равишда тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Очиқ мулоқот ўтказиш орқали муаммоларни аниқлаб, ҳал қилиш мақсадида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерлар ва ёшлар ўртасида 100 марта сайёр қабул ўтказилди. Уларда 3 471 дан зиёд фуқаро қабул қилинди ва муаммоларини жойида ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳарбий прокуратура органлари томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, ижтимоий ҳимояси таъминланиши алоҳида назоратга олинган. Мазкур йўналишдаги тадбирлар ҳарбий прокуратура органлари томонидан Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида ҳам жадал давом эттирилади.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ривожлантириш бўйича ислохотларни, хусусан, миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртга бўлган садоқатини ошириш борасида барча қўшинлар қўмондонликлари, ҳарбий округлар, ҳарбий қўшилма ва тузилмалар, ҳарбий қисм ва муассасалар билан ҳамкорлик янада кучайтирилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон армиясида хизмат қилаётган барча ҳарбий хизматчиларни, Қуролли Кучлар фахрийларини, қолаверса, барча юртдошларимизни Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 31 йиллик байрами билан табриклайман!

Ботир КУДРАТХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг
ўринбосари –
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурори

ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни байрамига бағишлаб, мамлакатимизнинг энг олис ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида капитал таъмирдан чиқарилган жанговар техникаларни сақлаш паркиннинг фойдаланишга топширилиши ҳарбий қисм жамоаси учун ўзгача байрам совғаси бўлди.

Жанговар техникаларни сақлаш паркида амалга оширилган капитал таъмирлаш ишлари натижасида боксларда иситиш тизими ўрнатилиб, техникаларни сақлаш шароити яшилди. Эндиликда паркда илгари бўлмаган машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тармоғи, ҳайдовчиларни тайёрлаш

синфи, техникаларга ёқилғи қуйиш шохобчаси, парк бўйича навбатчининг хоналари, ҳайдовчилар дам олиши, ювиниши ҳамда аккумулятор батареяларни зарядлаш хоналари барпо этилди. Буларнинг барчаси ҳарбий қисмнинг жанговар шайлигини юксалтириш, техникаларни соз ва шай ҳолатда сақлаб туриш, уларга

✓ **ОНА ҚАЛБИ**

ЎҒЛИМ – АСКАР!

Бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламаники, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланган. Армияда йигитларимиз ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, маънан ва жисмонан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий малакалари, тажрибалари шаклланиб, Ватан ҳимояси йўлида доимо шай, мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқдалар.



Дунёда шарафли вазифалар жуда ҳам кўп, аммо улар ичида киндик қони тўкилган Ватанни ҳимоя қилиш энг шарафли бурч саналади. Негаки, Ватан бу инсонга ато этилган энг қутлуғ маскан, ҳалол насибамиз, аждодларимиз уйғоқ руҳи кезиб юрган табаррук гўша, уларнинг нафаси уфуриб турган муқаддас тупроқдир!

Ватан унга бўлган муҳаббатдан юксалади, ардоқланади. Ватан асл ватанпарварлар кўксига жон қадар эъзоз ва ҳимоя топади. Ҳозирги кун ёшларининг қалби тўрида, кўксига Ватан деган қуёшни кўтариб яшаган бобокалонларимиз Жалолиддин Мангуберди шижоатига, Амир Темур жасоратига ижобий ҳавас ила интилишлари биз, ота-оналарни қувонтирмақда.

Республикамиз вилоятларидан бири бўлимиш гўзал Андижон бағрида Ватан ҳимоясидек шарафли йигитлик бурчини бажариб келаётган мард, аскар ўғлоним! Билсанг, сен Ватаннинг фахри, миллатимиз ғурури, ота-онанг орзусисан. Сендан кўнглимиз хотиржам. Уйқумиз осуда,

тунларимиз тинч, сабаби менинг ўғлим Ақобир – Ватан ҳимоячиси!

Бугун «Аскар оналарини шарафлаймиз» деб номланган тадбирда мард ўғлонларини тарбиялаб, Ватан ҳимоясига йўллаган мен каби азиз онажонларга кўрсатилган эътиборни, ҳурматни кўриб, юрагим қалқди. Миллий армиямизда амалга оширилаётган ислохотлар, муддатли ҳарбий хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар, сенинг хизматни аъло даражада ўтаётганлигинг, муваффақиятларинг, юксак марраларга эришаётганлигинг, биллакларинг кучга тўлганини кўриб, чексиз хурсанд бўлдим.

Болажоним, агар билсанг, ҳозирда мен энг бахтли онаман. Негаки, бугун аскар онасига барчанинг ҳаваси келмоқда, ўйланманки, жойларда ҳарбий хизматни ўтаётган ўғлонлар ҳам худди сен каби намунали хизмат ўтамоқдалар.

Зарифа ТУРДИЕВА,
аскар онаси



сифатли техник хизмат кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, ҳарбий хизматчиларга замонавий шароитлар яратиш мақсадида бунёд этилди.

Тантанали тадбирда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов олис ҳудудда жойлашган ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ва ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг тиббий таъминотини

мустаҳкамлаш, юмушини осон қилиш мақсадида Мудофаа вазирлиги томонидан совға тариқасида берилган «Дамас» русумли тез тиббий ёрдам махсус автомобили калитини топширди.

**Подполковник
Тимур НАРЗИЕВ,**
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
матбуот хизмати бошлиғи

✓ **ТАРҒИВОТ**

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Зангиота туманида жойлашган Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисмда Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан Тошкент вилояти ҳарбий-маъмурий сектори билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларидаги чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари, «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати отряди аъзолари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирокида тадбир ўтказилди. Унда армияда олиб борилаётган ислохотлар, ҳарбий таълим муассасалари, «Темурбеклар мактаби»да тайёрланадиган мутахассислар, ўқишга қабул қилиш тартиби ҳақида маълумот берилди.



Қуролли Кучлар академияси, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти, Ҳарбий тиббиёт академияси ҳамда «Темурбеклар мактаби»да яратилган шароитлар, таҳсил олиш тартиблари тўғрисида тадбир иштирокчиларига атрофлича тушунтириш берилди.

Тадбир давомида Тошкент вилояти ҳарбий-маъмурий сектори томонидан умумтаълим мактабларига олий ҳарбий таълим муассасалари ҳамда «Темурбеклар мактаби»ни тарғиб қилувчи журналлар тарқатилди.

Мудофаа вазирлиги махсус авиация-тиклаш бошқармасининг «Импульс» ҳарбий ансамбли томонидан концерт дастури намойиш этилди. Тадбир иштирокчилари учун ҳарбий қисм ҳамда Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида очик эшиклар куни ўтказилиб, улар ҳарбийларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар.

**Адлия подполковниги
Алишер ҚУРБОНОВ,**
Тошкент ҳарбий
прокурорининг ёрдамчиси

Шарқий ҳарбий округнинг Фарғона, Андижон ва Наманган гарнизонларида вилоятлардаги умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасаларининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари учун бир кунлик ўқув йиғини бўлиб ўтди.

ВОДИЙДА ЎҚУВ ЙИҒИНЛАРИ



Ушбу йиғиндан мақсад ўқувчи-ёшлар ўртасида Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ўтказишдан иборат.

Мазкур тадбирда олий ҳарбий таълим муассасалари вакиллари томонидан ҳар бир таълим муассасида яратилган шароитлар, таълим жараёнлари ҳамда ўқишга кириш тартиби ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Бундан ташқари, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирларни сифатли ташкиллаштириш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари полковник Шухратжон Абдуллаев ва округ масъул офицерлари томонидан соҳа йўналиши бўйича йиғин иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

ЁШЛАР ҚАЛБИДАН ЖОЙ ОЛДИ



Наманган вилояти Косонсой туманида «Миллий армиямиз Янги Ўзбекистоннинг мустақкам қалқонидир!» шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик фестивали бўлиб ўтди.



Аҳоли ва ёшларда ватанпарварлик, юртга муҳаббат хиссини янада ошириш мақсадида ўтказилган тадбирда Шарқий ҳарбий округ қўшинлари Наманган гарнизонидаги ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари томонидан кўргазмали қўл жанги ва фахрий қоровул чиқишлари ҳамда

ҳарбий оркестр жамоаси томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Ҳарбий хизматчилар, туман ҳокимлиги, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этган ҳарбий-ватанпарварлик фестивали айниқса, ёшлар қалбидан жой олди.

ҲАРБИЙ ҚИСМДА БИР КУН

Шарқий ҳарбий округ Фарғона гарнизонидаги ҳарбий қисмда Ёшлар иттифоқининг Фарғона вилояти кенгаши билан ҳамкорликда «Ҳарбий қисмда бир кун» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



Шаҳар ва туман мактабларининг сардорлари иштирок этган тадбир аввалида ёшларга ҳарбий либослар берилди. Ҳарбий қисм хотира майдонида юртимиз осойишталигини таъминлаш йўлида жонини фидо қилган Ватан ҳимоячилари хотираси ёдга олинди, уларга ҳурмат бажо келтирилди.

Ҳарбий қисмдаги шароитлар билан танишиш мақсадида ўқув бинолари, ётоқхона, мавзувий синфхоналар, ҳарбий қисм кутубхонаси ва руҳий зўриқишларни

ечиш хонаси бўйлаб экскурсия ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари ўз жисмоний қобилиятини турли спорт мусобақаларида синовдан ўтказди. Шунингдек, ёшлар ҳарбий қисмда яратилган замонавий шароитлар, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар билан яқиндан танишдилар. Мазкур тадбир доирасида ёшлар учун ҳарбий қисм ошхонасида тушлик ташкил этилди. Якунда спорт мусобақалари ҳамда тадбирда фаол иштирок этган ёшларга эсдалик совғалар топширилди.

Фарғона вилоятининг Қува тумани ва Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳридаги ҳарбий қисмлар ўртасида ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари билан телемулоқот ташкил этилди.

ОЛИС МАСОФАДАН ҚИЗҒИН МУЛОҚОТ



«Менинг акам – Ватан ҳимоячиси» шиори остида ўтказилган мазкур тадбир Қува туманидаги ҳарбий қисмда ўтказилди. Бухоро вилоятида йигитлик бурчини ўтаётган фарғоналик ўғлонларнинг ота-оналари, оила аъзолари ва ушбу ҳарбий қисмда хизмат қилаётган бухоролик муддатли ҳарбий хизматчилар иштирокида ўтган тадбирда барчанинг кўнгил тоғдек кўтарилди.

Ота-оналар ҳарбий қисм шароитлари билан ҳам яқиндан танишиб, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат фаолиятларини ўз кўзлари билан кўришди.

Мазкур телемулоқотда аскар оналарининг меҳри, оталарнинг фарзандлари билан фахрланиши ҳамда муддатли ҳарбий хизматчиларнинг шижоати ва ватанпарварлик фазили яққол намоён бўлди.

UCH AVLOD UCHRASHUVI

Poytaxtimizdagi “G'alaba bog'i” yodgorlik majmuasida Qurolli Kuchlar faxriylari, harbiy xizmatchilar, “Vatan tayanchi” bolalar va o'smirlar harbiy-vatanparvarlik harakati a'zolari ishtirokida uch avlod uchrashuvi bo'lib o'tdi.

Mamlakatimiz bo'ylab o'tkazilayotgan “Milliy armiyamiz Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqonidir!” shiori ostidagi tadbirlar sirasiga kiruvchi uchrashuv ishtirokchilari uchun Mudofaa, Ichki ishlar, Favqulodda vaziyatlar vazirliklari, Milliy gvardiya, mudofaaga ko'maklashuvchi “Vatanparvar” tashkiloti tomonidan harbiy texnika va qurol-aslaha namunalari, sportning texnik va amaliy turlari bo'yicha seksiya va to'garaklarning ko'rgazmalari tashkil etildi.

Mazkur ko'rgazmalar davomida yoshlar qo'shinlar faoliyati, harbiy xizmat turlari, Vatan himoyachilarining o'quv mashg'ulotlari va boshqa qiziqqan mavzulari bo'yicha barcha savollariga javob oldilar. Ayniqsa, “Vatan tayanchi” otryadlari a'zolarining ko'pchiligi mudofaaga ko'maklashuvchi “Vatanparvar” tashkilotining sport seksiyalari va to'garaklariga a'zo bo'lish istagini bildirdilar.

Bir necha soat qiziqarli va hayajonli kechgan ko'rgazmadan keyin barcha majlislar zaliga yig'ildi. Bu yerda Qurolli Kuchlar faxriylari va harbiy xizmatchilarning

hikoyalari yoshlarning harbiy xizmatni o'tashga bo'lgan qiziqishini yanada oshirdi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti, Qurolli Kuchlarimiz Oliy Bosh Qo'mondoni Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganidek, eng bebaho, oliy ne'mat – tinchligimiz va osoyishtaligimizning qadriga yetib, oilalarimiz, farzandlarimiz, kelgusi avlodlarimizning baxt-u kamoli uchun bu ulug' boylikni asrab-avaylashimiz kerak. Shu bois

bugungidek bayram tadbirlarida, yoshlar bilan uchrashuvlarda o'sib kelayotgan navqiron avlodni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularning ona yurtga mehri va sadoqatini oshirishga yanada ko'proq ahamiyat beryapmiz, deydi Qurolli Kuchlar faxriylari.

F. ERGASHEV

✓ TANLOV

IJODIY ISHLAR SARALANDI

O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining 31 yilligi hamda 14-yanvar – Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan O'zbekiston Badiiy akademiyasining markaziy ko'rgazmalar zalida “Mening armiyam – mening faxrim!” tanlovi g'oliblarini taqdirlash hamda shu nomdagi ijodiy ishlar ko'rgazmasi bo'lib o'tdi.



Qurolli Kuchlarimiz qudratini, Vatan himoyachilarining timsolini tasvirlash orqali xalq va armiya birdamligi hamda yosh avlodni yurtga sodiqlik, fidoyilik ruhida tarbiyalashga qaratilgan ko'rgazmada 170 nafar muallifning harbiy-vatanparvarlik mavzusidagi tasviriy san'at va grafika yo'nalishlari bo'yicha

300 dan ortiq ishi namoyish etildi. Professional va havaskorlik yo'nalishlarida o'tkazilgan tanlov ishtirokchilari taniqli rassomlar, harbiy xizmatchilar, ularning oila a'zolari va o'quvchi-yoshlar bo'ldi.

G'oliblarni taqdirlash marosimida mudofaa vazirining tarbiyaviy va

mafkuraviy ishlar bo'yicha o'rinbosari Hamdam Qarshiyev, O'zbekiston Badiiy akademiyasi raisi Akmal Nuriddinov, Qurolli Kuchlar faxriylari, tanlov qatnashchilari ishtirok etdi. Tanlov g'oliblariga faxriy yorliq va qimmatbaho sovg'alar taqdim etildi.

Tadbir so'ngida Qurolli Kuchlar Markaziy ashula va raqs ansambli xonandalari va Mudofaa vazirligi harbiy orkestri jamoasi o'z chiqishlari bilan yig'ilganlarni xushnud qildi.

Muattar MELIYEVA,
“Vatanparvar”



«ХАРБИЙЛИК — ҚИСМАТИМ»

Бугунги қаҳрамонимиз – шўх, шаддод, ўта самимий ва ҳазил-мutoйибага мойил бўлган қалб соҳибаси. Шундан бўлса керак, унинг атрофида дўстлари жуда кўп. Самарқанд вилоятида туғилган кичик сержант Русалина Ахророва «Харбий бўлиш менинг қисматимда бор», дейди. Оилада унинг онаси, акаси ҳамда опасининг ҳам харбий хизматчи бўлгани учун бошқа касб ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганини таъкидлайди. 12 ёшида парашют билан сакраган Русалинага ортиқча таърифнинг ҳожати бўлмаса керак.

ЙУТУҚЛАРИ

2018 йили Тошкент харбий округи миқёсида «Энг яхши махфийлаштирилган телеграф аппаратуралар мутахассиси» танловида 1-ўрин;

2019 йили «Мен ғолиб!» шиори остида ўтказилган «Тинчлик жангчиси» танловида 1-ўрин;

2019 йили Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилган харбий техникаларнинг модернизацияси «Радиоалоқа йўналиши» бўйича 1-ўрин;

2021 йили «Мен ғолиб!» шиори остида ўтказилган «Тинчлик жангчиси» танловида 1-ўрин;

2022 йили Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилган «Тўмарис издошлари» кўрик-танловида 1-ўрин;

2022 йили Қуролли Кучлар миқёсида ўтказилган «Тўмарис издошлари» кўрик-танловида 1-ўрин;

2022 йили ўқ отиш тайёргарлигидан «Мудофаа вазири кубоги»да 1-ўрин.

ЁШ ДЕСАНТЧИ

Оилада онам, акам ва опам ҳам харбий бўлгани сабабли болалигим бир жойдан бошқа жойга кўчиш ва мактаб ўзгартириш билан ўтди. Доимий кўчишлар Чирчиқ шаҳрига келишимиз билан тўхтаган. Ўшанда 12 ёш эдим. Менда қизиқувчанлик ҳиссиёти жуда юқори. Барча янги манзилларни тўлиғича кўздан кечириб чиқиш ода-тимга айланган. Чирчиқда эса ўшанда энг эътиборимни тортган манзил «Ёш десантчилар» тўғараги бўлди. Дарҳол аъзо бўлдим. Қизиқувчанлигим ва тез ўзлаштириш қобилиятим сабаб кўп ўтмай, йўриқчи билан биргалда парашют билан сакрашга муваффақ бўлдим.

ХАРБИЙЛИК — ҚИСМАТИМ

Харбий соҳага қизиқишим оилада шаклланган. Оиладаги муҳит мени харбий бўлишдек эзгу мақсад сари етаклаган. Мен ҳам харбий либосни кийиб, Ватанимга хизмат қилишни, эркаклар билан елкама-елка туриб, юртимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашга ўз ҳиссамни қўшишни истаганман. Кўп ўтмай, мақсадимга эришдим. Харбийлик касбини танлашим менинг қисматимда битилган. Бошқа соҳада ўзимни тасаввур ҳам эта олмайман.

КАСБГА ИЛК ҚАДАМ

Илк қадамни 17 ёшимда Чирчиқ шаҳридаги харбий қисмлардан бирида Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида бошлаганман. Орадан 14 йил ўтгандан сўнггина онам, акам ва опам сингари ҳақиқий харбий хизматчи либосини кийдим. Ўтган вақт мобайнида барча қийинчилик ва машаққатларга иродам ҳамда олдимга қўйган мақсадим сабаб сабр қилдим. Ва ниҳоят, мен

орзиқиб кутган кун келди. 2013 йилда харбий алоқачи сифатида хизмат фаолиятимни бошладим.

КАСБИЙ МАШАҚҚАТЛАР

Харбий бўлиш осон эмаслигини харбий либосни кийганимда англаб етдим. 2013 йилдан то бугунги кунга қадар юртимизнинг турли гўшаларидаги харбий қисмларда радиоалоқачи вазифасида фаолият юритиб келмоқдаман. Ҳозирда Чирчиқ гарнизони харбий комендатура-си масъул ижрочиси вазифасида хизмат қиляпман. Хар бир жойга мослашиш қийинчилиги, бир жойдан иккинчи ҳудудга кўчиш, фарзанд тарбияси, шу билан бир қаторда харбий бурчни адо этиш бу — чинакам машаққат ва шараф эди. Ўтган вақт мени тоблади. Иродамнинг букилмас, қатъиятнинг сўнмас бўлишида касбимнинг ўрни бекиёс.

ХАРБИЙ ХИЗМАТ ВА АЁЛ

Биз, аёллар қайси соҳада фаолият юритишимиздан қатъи назар, аввало, уй бекаси, рафиқа ва меҳрибон онадирмиз. 2014 йили турмушга чиқдим. Бир йилдан сўнг ўғил фарзандли бўлдик. Мен учун энг муҳим нарса бу — касбимдан ажралмаган ҳолда оилам хотиржамлиги. Уларнинг хар иккисини ҳам баробар олиб боришга ҳаракат қиламан. Аслида бунинг ўзига яраша қийинчилиги бор. Аммо биз аёлмиз! Барчасини ўз ўрнида уддалай олишимиз шарт. Хизматимдан ортиб, оилам бағрида кўпроқ бўлишга интиламан. Уйда мазали таомлар тайёрлаб, оиламнинг кўнглини олишга ҳаракат қиламан. Болаларимиз болалик гаштини сурмасдан ўтиб кетмаслиги керак. Вақт жуда тез ўтиб кетади. Яқиндагина ўзим бола эдим. Бугун онаман. Буни ҳеч қачон унутмайман. Вақтнинг қадрига доим етаман.

РАДИОАЛОҚА ВА СПОРТ

Ёшлигимдан спортга қизиқишим юқори. Харбий хизматчи доим эпчил, чаққон ва жисмонан бақувват бўлиши керак, дердим ўзимга ўзим. Биринчи марта Чирчиқ шаҳридаги мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли югуриш, ўқ отиш ва харбий қисмдаги «Ёш десантчилар» тўғарагига аъзо бўлганман. Ҳозиргача спорт менинг бир бўлагимга айланган. Мусобақаларда жамоамизнинг ғалабасига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан жудаям бахтиёр бўламан. Радиоалоқа эса бу — боя айтганимдек, ўта қизиқувчанлигим ва тез илғаб олиш қобилиятимнинг самараси. Менга ҳаётим ва фаолиятимда хар иккиси ҳам доим ёрдам бериб келади. Бирини биридан ажратиб қўйиш мумкинмас.

КАСБИМ — ФАХРИМ

Ўз олдимга қўйган мақсадларимга бирин-кетин эришиб келмоқдаман. Харбийлик касби ҳаёт машаққатларини бемалол енгиб ўтишимга туртки бўлди. Шу касб ортидан ҳаётимда топганларим ва йўқотганларим учун минг бора розиман. Оиламиз аъёнасини давом эттириб, уларнинг ва Ватанимнинг «юзи»ни ерга қаратмаганимдан фахрланаман. Қолаверса, 7 ёшли ўғлим Амир ҳам харбий соҳани танламоқчи. Бор куч-ғайратим билан унинг мақсадлари рўёби учун ҳаракат қиламан. Касбимдан камол топдим. Фарзандим ҳам касбимнинг давомчиси бўлишини чин дилдан хоҳлайман. Келгусида Ватаним равнақи ва осойишталигини асрашга ўз ҳиссамни қўшаман.

«Vatanparvar» мухбири
Шерзод ШАРИПОВ
суҳбатлашди.



ЗОБИТ ЭРСАНГ, ЗАФАР ҚОЛДИР

Туғилдингми — самар қолдир,
Ўзлигингдан хабар қолдир.
Хоқон эрсанг, шаҳар қолдир,
Зобит эрсанг, зафар қолдир.
Олим эрсанг, асар қолдир,
Ҳофиз эрсанг, лапар қолдир,
Чўпон эрсанг, отар қолдир,
Косиб эрсанг, ҳунар қолдир.
Лоақал тинч рўзғор қуриб,
Юртингга бир аскар қолдир.

АНВАР ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири



14

yanvar

VATAN
HIMOYACHILARI
KUNI

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIRI

Ватан ҳимоячилари
 куни ҳамда
 «Ватанпарварлик
 ойлиги»
 муносабати
 билан хизмат
 бурчини бажариш
 вақтида ҳалок
 бўлган ҳарбий
 хизматчиларнинг
 оила аъзолари
 ҳолидан хабар
 олинди.



Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди

Хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳолидан хабар олиш аънаъга айланган. Мудофаа вазирлиги масъуллари, қўмондонлик вакиллари, ҳарбий қисм командирлари ва қаҳрамонларнинг сафдошлари вақт ва имкон топди дегунча, ўша хонадон эгаларини ёлғизлатмасликка ҳаракат қилишади. Бу галги учрашув ҳам олдингилари сингари файзли бўлди. Унда Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони полковник Зокир Сайфутдинов, шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, фахрийлар кенгаши раиси ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида қаҳрамонлар подполковник Абдувоҳид Улашев, майор Шавкат Мирзаев, капитан Баҳром Жўраев, майор Мухторжон Бозоров каби ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари хонадонидан хабар олинди. Учрашув вақтида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг тегишли буйруғига асосан, моддий ёрдам маблағлари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.



– Мен подполковник Абдувоҳид Улашевнинг аёли бўламан. Турмуш ўртоғим 20 йил Ватан ҳимоячилари сафида хизмат қилди, – дейди Индира Улашева. – Ўзим ҳам 25 йил Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳамшира бўлиб ишлаганман. Кичик сержант ҳарбий унвони билан пенсияга чиқдим. Ўғлим ҳам ҳарбий хизматчи. Хуллас, биз ҳарбийлар оиласимиз десам хато бўлмайди. Турмуш ўртоғим



хизмат бурчини адо этаётган пайтда вафот этганидан буён мутасаддилар бизни ёлғизлатиб қўймади. Доимий эътибордамыз. Нима имконият бўлса, бизга баҳам кўришади. Байрамларда йўқлаб туришади. Бунинг учун уларга раҳмат айтаман.

Шунингдек, Мудофаа вазирлиги тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари полковник Меҳриддин Қўчқоров

бошчилигидаги жамоа ҳам хизмат бурчини бажариш вақтида ногирон бўлиб қолган ҳарбий пенсионерлар – тиббий хизмат полковниги Рустам Саидов ҳамда полковник Акмал Саттаровнинг ҳолидан хабар олди. Уларга ҳам мудофаа вазирининг тегишли буйруғига асосан, моддий ёрдам маблағлари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

– Ҳар ҳафтада камида бир маротаба ҳолимиздан хабар олиб туришади, – дейди истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Рустам Саидов. – Мудофаа вазирлиги тизимида тиббиётга қўшган ҳиссамиз бор экан, шогирдларим туну кун йўқлашни қанда қилишмайди. Инсон кексайиб, умр сарҳисобини қилиб ўтиришдан бошқа нарсаси ярамай қолганида кўп ўйга толадиган бўлиб қоларкан. Мени энг хурсанд қиладиган жиҳат шундаки, ўтган вақтни зое кетказмаган эканман. Кўнгил тоза бўлиб, фидойи ва ўз касбинга содиқ бўлсанг, қарилик гаштини суришдек бахт сокин ва беҳавотир ўтаркан. Ўзгани алдашинг мумкин экан-у, аммо виждонни алдаб бўлмас экан. Шунинг учун шогирдларга ҳар доим айтаманки, доим тўғри ишланг, касбга садоқатли бўлинг, изланинг, ўрганинг, асло тўхтаб қолманг.

Шерзод ШАРИПОВ,
 «Vatanparvar»

✓ ONLAYN MULOQOT

О'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 31 yilligi hamda Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan Yangiyo'l tumanida joylashgan harbiy qismda "Milliy armiyamiz Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqonidir!" shiori ostida "Askar onalarini sharaflaymiz" mavzusida tadbir o'tkazildi.

Tadbirda O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi yoshlar bilan ishlash bo'limi mutaxassisi Nargiza Asadova, O'zbekiston davlat satira teatri aktyori G'ulom Ernazarov, Yangiyo'l tumani hokimi o'rinbosari, oila va xotin-qizlar bo'limi boshlig'i Nilufar Normirzayeva hamda Respublika ma'naviyat va ma'rifat markazi Yangiyo'l tumani bo'limi boshlig'i Saida Toshmatova ishtirok etdi.

Mazkur tadbir videokonferens-aloqa shaklida o'tkazilib, unda Yangiyo'l shahri va tumanidan xizmatga chaqirilib, Nukus shahrida yig'itlik burchini o'tab kelayotgan hamda Qoraqalpog'iston Respublikasidan xizmatga chaqirilib, Yangiyo'l tumanida joylashgan harbiy qismda xizmat majburiyatini bajariy kelayotgan askarlarning ota-onalari va yaqinlari bilan videokonferens-aloqa usulida diydorlashishdi.

Tadbir davomida so'zga chiqqanlar so'nggi yillarda mamlakatimiz Qurolli Kuchlarida amalga oshirilayotgan islohotlar haqida atroflicha to'xtalib



KO'ZLARDA SOG'INCH

o'tishdi. Milliy armiyamiz safida yig'itlik burchini sharafla bilan o'tayotgan muddatli harbiy xizmatchilar hamda ularning ota-onalariga minnatdorlik bildirilib, bayram bilan qutlandi. Tadbir hayajonli va quvonchli lahzalarga boy tarzda o'tdi. To'qqiz oydan buyon ming chaqirim olis

hududda yurt himoyachisi degan sharafla nomga munosib o'g'lonlar safida harbiy xizmatni o'tayotgan farzandini onlayn bo'lsa-da, ko'rib quvongan onalarning ko'zlarida sevinch yoshlari miltiradi. Askarlar ota-onalari va yaqinlariga harbiy xizmatdagi sharoitlardan so'zlab,

dil lavhiga bitilgan sog'inchnoma she'rlaridan aytib berishdi.

Yakunda askar ota-onalariga tashakkurnomalar topshirildi.

Sherzod EGAMBERDIYEV,
 «Vatanparvar»

Vatan mehrini, Vatan
sehrini, ulug'vorligini
so'z bilan ifodalash
qiyin. Shuning
uchun Vatan
himoyasi har birimiz
uchun sharafl
burch.



VATAN MEHRI BILAN



Vatan himoyachilari kuni arafasida yurtimizda "Vatanparvarlik oyli" doirasida bayram tantanalarini tashkillashtirish an'anaga aylangan. Chirchiq davlat pedagogika universitetida bo'lib o'tgan tadbir ham buning yaqqol misolidir. "Milliy armiyamiz Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqonidir!" va "Mardlar qo'riqlaydi Vatanni!" shiorlari ostida

o'tkazilgan harbiy-vatanparvarlik kechasida ta'lim dargohi pedagoglari, harbiy xizmatchilar, safarbarlik chaqiruvi rezervi batalyonida yigitlik burchini o'tayotgan yoshlar, faxriylar va jamoatchilik vakillari ishtirok etdi.

Tadbir davomida Qurolli Kuchlarimiz tarixi, milliy armiyamizning shakllanish jarayoni, yoshlarni harbiy-vatanparvarlik

ruhida tarbiyalash yo'lida "Armiya va xalq – bir tan-u bir jon!" yo'nalishlarida amalga oshirilayotgan ishlar sarhisobiga e'tibor qaratildi.

Taqdimot chiqishlarida milliy armiyamiz qudratini aks ettiruvchi videoroliklar namoyish qilindi. Safarbarlik chaqiruvi rezervi batalyonida yigitlik burchini o'tayotgan taniqli yosh aktyor Shahzod

Sultonov sharafl kasb egalarini bayram bilan tabrikledi.

Kecha safarbarlik chaqiruvi rezervi batalyonida yigitlik burchini o'tayotgan yoshlar va Chirchiq davlat pedagogika universitetining iqtidorli talabalari ijrosidagi kuy-qo'shiqlar, sahna ko'rinishlari bilan yanada fayzli bo'ldi.

Kamoliddin ASROR

✓ FESTIVAL

Sog'lom hayot yo'lida

Yurtimizda yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazish, ularni har jihatdan qo'llab-quvvatlash hamda sport bilan shug'ullanishlariga imkoniyatlar yaratish, vatanparvarlik tuyg'ularini mustahkamlash maqsadida "Milliy armiyamiz Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqonidir!" shiori ostida yoshlar festivallari o'tkazilmoqda.



Ushbu tadbirlar Buxoro viloyati bo'ylab davom etdi. Viloyatning Buxoro tumanida istiqomat qiluvchi 1 000 dan ortiq yurtdoshlarimizni bir joyga jamlagan mazkur festival "Sog'lom hayot yo'lida 5 000 qadam" piyoda yurish marafoni bilan boshlandi.

Unda Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug tasarrufidagi Buxoro garnizonida joylashgan harbiy qism harbiy xizmatchilari, mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti, Buxoro viloyati bo'yicha Milliy gvardiya boshqarmasi va Yoshlar ittifoqi viloyat kengashi vakillari ishtirok etdi.

Festival davomida milliy kurash bo'yicha yosh polvonlarning bellashuvi, mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti to'garaklari faoliyati yuzasidan targ'ibot hamda qator ko'rgazmali chiqishlar namoyish etildi.

✓ SAYOHAT

Yoshlar va harbiy uchuvchilar uchrashuvi

Buxorolik bir guruh yoshlar ishtirokida "Milliy armiyamiz – yoshlarimiz uchun chinakam hayot maktabi" shiori ostida O'zbekiston oliy harbiy aviatsiya bilim yurtida ochiq eshiklar kuni tashkil etildi.



Tadbirda o'quvchi-yoshlar bilim yurtida yaratilgan sharoitlar, jumladan, o'quv jarayonida zamonaviy pedagogik, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan, trenajyorlar, modellashtirish va simulyatsiya usullaridan foydalanib kelinayotgan sinfxonalar, axborot-resurs markazi, Amir Temur va Jaloliddin Manguberdi tematik sinflari, kursantlarning yashash sharoitlari hamda "Shon-sharaf" muzeyi bilan yaqindan tanishtirildi.

Shundan so'ng yoshlar va kursantlar bilan bilim yurti madaniyat markazida uchrashuv tashkil etilib, tadbir davomida milliy armiyamizda olib borilayotgan islohotlar, oliy harbiy ta'lim muassasalariga kirish tartibi to'g'risida batafsil ma'lumotlar berib o'tildi.

Bilim yurti harbiy orkestr jamoasi tomonidan "Yuraklarda jo'sh urgan Vatan madhi" nomli konsert dasturi namoyish etilib, yoshlarga xushnudlik ulashildi. Yoshlar Buxoroga bir olam quvonch va taassurotlar bilan qaytdi.

Ориф Тўхташ



1976 йилда Самарқанд вилоятида туғилган.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
шоир, тележурналист.

«Гунчалар табассуми», «Қуёш йўли», «Кўн-
гилга ташриф», «Ватан атри», «Ажабтовур
арзнамалар» ҳамда «Бахтиёр болалик» номли
шеърий тўпламлар муаллифи.
«Шухрат» медали соҳиби.

Энг яхши нийат

(Ватан ҳимоячилари шарафига)

«Ватан асли остонадан
Бошланади», дейдилар.
Ватан нима?
У бир қўрғон
Бошпанадир, дейдилар.

Унинг ҳар бир хизматига
Шай турмоқлик – бурчимиз.
Ҳимояга берилгандир
Билакдаги кучимиз.

Сиз дунёга назар ташланг
Нигоҳлари саволлар.
Бунда қанча ғалаёнлар,
Қанча умри завоқлар!

Одамлар бор ҳали бир бор
Тинчлик таъмин тотмаган.
Гўдагини эркалатиб,
Осойишта ётмаган.

Минг бир хатар-хавотирда
Ўтиб борар кунлари.
Эс таниган боласининг
Қуролдадир қўллари.

Кўрмоқ эмас, ҳатто хаёл
Қилмоқ қийин бу ҳолни –
Ногаҳонда япроғига
Қон сачраган ниҳолни...

Минг шукурки, бизлар озод,
Турмушимиз фаровон.
Мусаффордир осмонимиз,
Қуёшимиз чароғон.

Ватан надир?

Ватан надир, Ватан надир?
Ватан – бешик, Ватан – қабр.
Бу дунёга келмоғинг ҳам,
Кетмоғинг ҳам Ватандадир.

Киндик қонинг томган тупроқ,
Боболардан қолган тупроқ.
Қон кечилган, жон чекилган,
Алар боис алвон тупроқ.

Кўзинг очиб кўрдинг нени,
Ва не мафтун этди сени?
Ул Ватандур, гул Ватандур,
Қучоғига экди сени.

Ватан надир, Ватан надир?
Ватан – меҳр, Ватан – қадр.
Садоқат ҳам софдиллиги –
Оқ йўргак, оқ кафан каби.

У сенга бир содиқ ҳамроҳ,
Меҳри дўстанд мустаҳкамроқ.
Арзигайдур унинг учун
Юрагингдан тиксанг байроқ!

Ота Ватан, она Ватан,
Ватанки, бир дона Ватан.
Жаҳоним, деб атар бўлсанг,
Жо айлагил жона, Ватан.

Ватан надир, Ватан надир,
Бул шундоққим аталмадир –
Жаннат истаб бўлма гирён,
Асли ризвон Ватандадир.

Не топсанг ул бағридин топ,
Ватанни ўз атридин топ.
Унинг соғинч изтиробин
Бобурнинг шоҳ сатридин топ.

Унга меҳринг сероб бўлса,
Жонингни тут, керак бўлса.
Ўнг кўксингда Ватан ўстир,
Чап кўксингда юрак бўлса!

Посбон йигит (болаларга)

Орзуларим осмонча,
Осмон йигит бўламан.
Келажакда шу юртга
Посбон йигит бўламан.

Спорт билан дўстлашиб,
Билакда кучим тошиб,
Зўрлар билан беллашиб –
Полвон йигит бўламан.

Улуғлаб юрт номини,
Оқлаб, тузу нонини,
Кўтаргувчи шонини –
Даврон йигит бўламан.

Чемпион қанча акам,
Азаматдир чинакам,
Навбат етса менга ҳам –
Арслон йигит бўламан.

Айб саналмас ҳеч орзу,
Устоз – шогирдга кўзгу,
Кун келиб, мен ҳам марду
Майдон йигит бўламан.

Тутиб устоз қўлидан,
Юриб айтган йўлидан,
Кўзларининг нуридан –
Уйғон, йигит бўламан!

Орзуларим осмонча,
Осмон йигит бўламан.
Келажакда чемпион –
Комрон йигит бўламан!

Мард ўғлон

Марди майдон юрт
ўғлонлари шарафига

Моҳир ўғлон, мард ўғлон,
Мардларга шу шарт, ўғлон –
Юрт қўшиғин куйласин
Кўксингдаги зарб, ўғлон.

Отам-онам шу эл деб,
Ор-номусим шу ер деб –
Кир жавонмард даврага,
Ботирлик – йигитга зеб.

Арслон қайтмагай издан,
Йигит қайтмагай сўздан.
Ол андаза ҳам қувват –
Аждодлардан – илдиздан!

Унутмагин ўзликни,
Ёвқур лочинкўзликни.
Неларга қодирлигин –
Кўрсатиб қўй Ўзбекнинг!

Моҳир ўғлон, мард ўғлон,
Мардларга шу шарт, ўғлон –
Юрт қўшиғин куйласин
Кўксингдаги зарб, ўғлон.

Тинчлик посбонлари

Ватаннинг озодлиги –
Ушалган армонларим.
Бағрининг ободлиги –
Чаманим, жайронларим.

Юрт тинчлиги – олий бахт,
Насиб этсин толе – тахт.
Бардавомдир ҳамма вақт –
Осойиш давронларим.

Ўғлин исми – Орият,
Қизин исми – Ҳуррият,
Кўнгилларда ҳур ният –
Туганмас имконларим.

Осойиш ўтган ҳар дам –
Билинг, бўлгуси байрам.
Постида собит турган –
Бор бўлсин посбонларим.

Улар борки, қўрғон бут,
Ҳимояда ҳар ҳудуд,
Қуёшни тўсмас булут,
Чароғон осмонларим.

Хотиржам бунда халқим,
Тўй қилар кунда халқим,
Нияту йўли ёрқин –
Самимий инсонларим.

Ватаннинг озодлиги –
Ушалган армонларим.
Бағрининг ободлиги –
Чаманим, жайронларим.

ХУРЛИК

(воқеий қисса)

ФИДОЙИЛАРИ



(Давоми. Боши ўтган сонларда)

БАРБОД БЎЛГАН РЕЖА

Дўнгпешана жангари бензин олиб қайтганида икки шериги соч-соқолини қиртишлаб, жарроҳ олиб келишга шай турарди.

– Меҳмет, Абдулмутал машинада Ангрен шахрига борасанлар!

– Хабаримиз бор, Руслан айтди, жарроҳ ўша ерда топилар экан. Биз тайёремиз, машинага тезроқ бензин кўйсақ...

– Эҳтиёткорликни унутмаларинг! «Овчиларимиз, шеригимиз тоғда ярадор бўлди», деб керакли анжомлари билан олиб келасанлар.

– Кўнглинг тўқ бўлсин, бу ёғини қойиллатамиз!

– Харита бўйича орқа томондан юқорига кўтарилса бўладиган машина йўли бор экан. Қоровул чол ҳам буни тасдиқлади. Дўхтир билан келсаларинг барчамиз шу йўл орқали гуруҳ олдиға қайтамыз. Фақат етиб борганимиздан кейин машинани пастда қолдириб, пиёда тоғ тепасига кўтарилишимизга тўғри келади. Ҳарқалай, сўқмоқ йўлдан анча яқин, кўп вақт йўқотмаймиз. Йўлда бензин қуйиб олишни унутманглар!

– Яхши, сенлар қочоқни тинчитсаларинг бўлгани. Узоғи билан бир соатда жарроҳ билан шу ерда бўламиз.

– Саид бетоқатлик билан рацияда «шифокор йўлда» деган жавобимизни кутяпти. Улуғ мақсадимизга Аллоҳ ёр бўлсин, омин...

Ярадор қўлидан хавотирда бўлган ўрмончи Егор Исаев қоронғи тушишини кутмай, пана-пастқам тоғ йўллари билан бир амаллаб дам олиш масканига етиб келди. Қоровулхона деразасидан тоғ йўлига термилиб ўтирган жангарига панд берган шоввоз айнаи фурсатда унинг «Нива» автоуловини босқинчилар миниб кетаётганини кўз илғамас жойда кузатиб турарди. «Қоровул билан хотинини ҳам тинчитибди, аблаҳлар», дилидан ўтказди Исаев. «Уйға боришим хавфли, шаҳарчага тушиб ишончли жойга беркинам...» У фақат тирик қолишни ўйлар, ҳар қандай ваҳшийликка қодир жаллодлар ҳақи-

да тегишли жойга хабар беришни мутлақ унутганди.

Шериклари Ангрен шахрига жўнаб кетгач, дам олиш масканида қолган икки жангари чол билан кампирнинг оёқ-қўли ва оғзини боғлаб, қоровулхона бурчагига ўтқазиб қўйди.

– Иккиси жарроҳни олиб қайтгунча, навбати билан соқолимизни олиб, ўзимизни тартибга солиб турамыз. Кейин дўхтир билан бирга юқоридаги йигитлар олдиға қайтамыз, – дўнгпешанага тайинлади хумкалла Руслан. – Тоғ йўлидан кўз узмаслигимиз керак. Агар ўрмончи тирик қолган бўлса, келиши аниқ. Фақат бизнинг кутиб турганимизни сезиб қолмаса бўлгани.

– Яхши, унда мен соқолим билан шуғулланаман. Ҳушёр бўл, чол-кампирдан хабар олгани бирорта яқини келиб қолиши мумкин.

– Шу етмай турганди, майда ишлар билан вақтимиз ўтяпти, – асаби таранг хумкалла бир-бирига бошини қўйганча ғужанак бўлиб ўтирган қўл-оёғи боғлиқ кексаларни бўралаб сўқди. – Агар кимидир келадиган бўлса, мана бу иккисига қўшиб тинчитиб қўяқоламан.

– Ўзингни қўлга ол! Амир айтгандек ақл билан иш қилишимиз керак. Бир зумда соқолимни олиб қайтаман.

– Менга ўргатгунча тезлаш! – тоғ йўлидан кўз узмай, шеригига пишқирди у...

Ангрен шахрига етиб борган босқинчилар шифокорни алдов йўли билан осонгина «қўлга киритди».

– Тоғда бундай воқеалар бўлиб туради, жароҳат олган овчиларни кўрганман, – «хушфеъл» йигитлар билан овчилик ҳақида суҳбатлашиш асносида «ярадор дўстлари» аҳволдан теранроқ хабардор бўлишни истарди шифокор. – Дўстларинг қандай қилиб юра олмайдиган даражада қорнидан жароҳатланди?

– Кутилмаганда қашқир ҳужумига учради. Биздан узокроқда ов қилаётганди, етиб борганимизча...

– Бўриларни ўлжасининг бўғзидан олади, деб эшитгандим.

– Э-э, йиртқичдан ҳамма ёвузликни кутса бўлади.

– Тўғри айтасиз, қашқир қашқир-да, – шифокор «овчи»ларнинг гапини тасдиқлаш баробарида «рацияси бор овчиларни биринчи кўришим, иккисининг ўзаро муомаласи ҳам сирли», дея кўнглидан ўтказди.

Улар дам олиш масканига етиб келганида қўёш уфқ томон оға бошлаганди.

– Шу ерда иккита шеригимиз бор, уларни ҳам биродарларимиз ёнига олиб кетамиз, – ичкарига шошилиш баробарида шифокорни вазиятдан огоҳ этди Меҳмет. – Ҳозир чақириб келаман.

– Овга кўпчилик бўлиб чиққан экансизлар-да? – рулда бетоқат ўтирган Абдулмуталга савол назари билан қаради шифокор.

– Ҳа, ўнга яқин овчилармиз, – серсавол жарроҳга истамай жавоб қайтарди жангари. Меҳмет қоровулхонага етиб улгурмай, тайёр турган икки босқинчи унга пешвоз чиқди.

– Келдиларингми, қани кетдик, кун ботмай улгуришимиз керак, – шошилди бетоқат хумкалла.

– Ўрмончини тутдиларингми? – қизиқди Меҳмет.

– Оғир ярадор бўлгани аниқ. Қорасини кўрсатмади итвачча, тоғдаги чакалакзорларга яширинган бўлса, ўша ерда итдек ўлиб ётган бўлса керак.

– Бу гапга Саид ишонади деб ўйлайсанми?

– Ишонмаса... – куракда турмайдиган сўзлар билан сўқинди у.

– Чол-кампирни-чи, бир ёқлик қилдиларингми?

– Иккисининг қўл-оёғини шундай боғланмизки, жойидан бир қарич ҳам силжий олмайди. Ёрдамга чақирай деса, оғзи ҳам берк. – Меҳметни тинчлантирди дўнгпешана. – Қоровулхонани ташқаридан қўлфладик. Агар қоровулхона очилмаса, «қари каламушлар» икки кунга ҳам етиб бормайди.

– Иккисини тирик қолдирганимизга яраша тилини кесиб ташлашимиз керак эди, – афсус билан бош чайқади машинага шошилаётган хумкалла.

Қотил босқинчилар жарроҳ билан йўлга тушди. Бир томони чуқур пастликдан иборат юқорига йўналган тоғ йўлида машинанинг ҳаракатланиши осон эмас. Вақт эса тиғиз. Машина ичидаги оғир сукунатни рация товуши бузди.

– Саид алоқага чиқяпти, – жавоб берайми деган маънода шерикларига қаради дўнгпешана.

Бунинг сабаби ҳайдовчининг олдида ўтирган шифокор эди. Яъни манзилга етиб боргунча «улуғ ишга» сафарбар этилган гуруҳ ҳақида огоҳ бўлмаслиги керак эди у. Бунга жавобан хумкалла Руслан «жавоб бер», дегандек бош ирғаб қўйди. Унинг нигоҳида «жарроҳ қўлимизда, қаерга ҳам қочарди», деган маъно бор эди. Рацияда Саиднинг бўғиқ асабий овози эшитилди:

– Йигитлар келяписизларми, ярадорнинг аҳволи оғир, сизларни интиқ кутяпмиз, – машинада бегонанинг борлигини ҳисобга олиб, «қоғозга ўраб» гапирди пихини ёрган Саид.

– Йўлдамыз, кун ботмай кўришамиз, – жавобни қисқа қилди дўнгпешана.

– Амирнинг аҳволи оғирлашибдими, энди нима қиламиз? – кутилмаганда, ваҳм ичида гапириб юборди Меҳмет.

– Амирбек ҳар томонлама кучли йигит, – унинг сўзини тўғрилади рулдаги жангари. – Тажрибали жарроҳнинг қўли тегса бўлди, кўрмагандек бўлиб кетади. Тўғрими ака? – ёнидаги шифокорга жилмайиб қаради у.

– Қўлдан келганча ҳаракат қиламан. Ярадор йигитнинг исми Амирбекми, чиройли исм экан...

Кўпни кўрган шифокор, йигитларнинг совуқ нигоҳи, имо-ишорасидан бу кимсалар овчилар эмаслигини англаб бўлганди. Фақат ортага қайтишга энди кеч. Меҳметнинг ваҳм ичида айтган гапи унинг фикрини тасдиқлади. – «Амир диний оқим гуруҳларига тегишли сўз эканини эшитгандим. Янглишмасам, улар бошлиғига «амир» деб мурожаат қилди», хаёлидан ўтказди у. «Демак, буларнинг бошлиғи ярадор бўлган. Агар даволашдан бош тортсам, мени тирик қолдирмайди. Даволаган тақдиримда ҳам... Нимадир қилишим керак...»

Шифокорнинг назарида машина ичидаги ёқимсиз сукунат, унинг фожиали тақдирдан хабар бериб турарди. Жангарилар қўлидан қутулишни режа қилиб кетаётган жарроҳ тоғ йўлининг пасти қалин буталар билан қопланган бурилиш жойига келганида бор кучи билан машина рулига ёпишди ва пастлик томон бурди. Буни кутмаган жангари уни итариб юборгунча машина пастга кулади. Машина эшигини очиб улгурган шифокор эса буталар устига сакради. Жангарилар нима бўлаётганини тушуниб етгунича машина йўлдан ўн метрлар чамаси пастликда – буталар ичида ағанаб ётарди. Машина буталарга сирпаниб тушгани сабаб оғир талафот кўрмаган жангарилар бирин-кетин ташқарига чиқа бошлади...

(Давоми бор)

Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari uchun 31 ta mavsum tarixga aylandi. Armiyamiz sportchilari 2022-yilgi mavsumni ham ajoyib muvaffaqiyatlar bilan yakunlab, 14-yanvar – Vatan himoyachilari kuni bayramiga o'zlarining munosib sovg'alarini hozirlashdi.

ARMIIYA

SPORTCHILARINING

BAYRAM SOVG'ASI

Agar yurtimiz sporti tarixiga chuqur nazar solsak, aksariyat sport turlari bo'yicha milliy terma jamoalarimiz negizini Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakillari tashkil etganiga guvoh bo'lamiz. Tabiiyki, Vatanimiz sportchilarining xalqaro maydonda erishgan ulkan muvaffaqiyatlarining aksariyati aynan ularga tegishli. Bundan ortda qolgan 2022-yilgi mavsum ham xoli bo'lmadi. Garchand, 2020-yil butun dunyoni qamrab olgan koronavirus pandemiyasi 2022-yilgi sport mavsumiga ham o'z ta'sirini ko'rsatgan, ya'ni bir qator xalqaro turnirlar o'tkazilmagan, xususan, qit'aning eng yirik va nufuzli musobaqasi – XIX yozgi Osiyo o'yinlari bir yilga kechiktirilgan bo'lsa-da, armiyamiz sportchilari mavjud imkoniyatlardan unumli foydalanib, xalqaro maydonda yuqori mahorat namoyish etishdi. MVSM sportchilari yil davomida xalqaro musobaqalarning 89 ta oltin, 59 ta kumush, 72 ta bronza, jami 220 ta medalni qo'lga kiritishdi. Buni avvalgi mavsum natijalariga taqqoslasak, armiyamiz sportchilari 31 yillik bayramni munosib qarshi olganiga guvoh bo'lamiz. Xususan, ular 2021-yilgi mavsumda xalqaro musobaqalarning 63 ta oltin, 37 ta kumush, 44 ta bronza, jami 144 ta medaliga sazovor bo'lishgandi. MVSM sportchilari mamlakat miqyosidagi musobaqalarda ham 2021-yilgi nisbatan yuqori natijalar qayd etishdi.

2021-YIL MAVSUM SARHISOBI

MVSM sportchilari mamlakat miqyosidagi musobaqalarda qo'lga kiritgan medallar: 136 ta oltin, 77 ta kumush, 67 ta bronza, jami 280 ta.

MVSM sportchilari xalqaro musobaqalarda qo'lga kiritgan medallar: 63 ta oltin, 37 ta kumush, 44 ta bronza, jami 144 ta.

MVSM sportchilari xalqaro va mamlakat miqyosidagi musobaqalarda qo'lga kiritgan jami medallar: 424 ta (199 ta oltin, 114 ta kumush, 111 ta bronza).

2022-YIL MAVSUM SARHISOBI

MVSM sportchilari mamlakat miqyosidagi musobaqalarda qo'lga kiritgan medallar: 197 ta oltin, 119 ta kumush, 86 ta bronza, jami 402 ta.

MVSM sportchilari xalqaro musobaqalarda qo'lga kiritgan medallar: 89 ta oltin, 59 ta kumush, 72 ta bronza, jami 220 ta.

MVSM sportchilari xalqaro va mamlakat miqyosidagi musobaqalarda qo'lga kiritgan jami medallar: 286 oltin, 178 ta kumush, 158 ta bronza, jami 622 ta.

Ha, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni bilan 1993-yilda tashkil etilgan klub 31 yildirki mamlakatimiz armiyasining sport markazi, milliy terma jamoalarimizning tayanch ustuni sifatida samarali faoliyat yuritib kelmoqda. 1992–2022-yillar mobaynida MVSM sportchilari mamlakat miqyosidagi musobaqalarning 6 027 ta oltin, 4 127 ta kumush, 3 725 ta bronza, jami 13 879 ta medaliga sazovor bo'lishdi. Xalqaro maydonda esa armiyamiz sportchilari tomonidan 1 392 ta oltin, 1 166 ta kumush, 1 213 ta bronza, jami 3 761 ta medal qo'lga kiritildi. Ushbu fakt va raqamlarni biroz boshqacha izohlaganda, ortda qolgan 31 ta mavsum davomida armiyamiz sportchilarining muvaffaqiyatlari evaziga dunyo arenalarida 1 392 marta davlatimiz madhiyasi yangradi, ozod va obod Vatanimiz yutug'i hamda timsoli sifatida milliy bayrog'imiz 3 761 marta baland ko'tarildi. Xalqaro va mamlakat miqyosidagi musobaqalarda qo'lga kiritilgan jami medal soni esa 17 640 tani (7 419 ta oltin, 5 293 ta kumush, 4 938 ta bronza) tashkil etdi.

Bu shunchaki oddiy fakt-raqamlar emas. Armiyamiz sportchilari erishgan muvaffaqiyatlari orqali O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining 31 yillik bayramiga o'zlarining munosib sovg'alarini hozirlash bilan birga, yurtimiz yoshlarining g'ururini yuksaltirishga, o'z navbatida, ularni Vatanga muhabbat, istiqloq g'oyalari sadoqat, milliy qadriyatlarimizga hurmat ruhida tarbiyalashga xizmat qilishdi.

ARMIIYA SPORTCHILARI

1992–2022-YILLARDA ERISHGAN MUVAFFAQIYATLARINING

TAHLILIY JADVALI



MVSM	Mamlakat miqyosida (MM)			Xalqaro maydonda (XM)			Jami medallar		
	Oltin	Kumush	Bronza	Oltin	Kumush	Bronza	MM	XM	Jami
1992-y	69	32	34	3	6	6	135	15	150
1993-y	78	30	36	12	4	1	144	17	161
1994-y	85	38	41	32	26	20	164	78	242
1995-y	80	36	43	59	37	35	159	131	290
1996-y	92	44	52	22	9	19	188	50	238
1997-y	110	65	60	10	23	17	235	50	285
1998-y	118	63	69	4	6	15	250	25	275
1999-y	125	72	75	12	16	13	272	41	313
2000-y	120	86	73	5	8	8	279	21	300
2001-y	126	96	80	2	8	12	302	22	324
2002-y	130	108	99	4	14	9	337	27	364
2003-y	136	107	99	23	12	22	342	57	399
2004-y	140	109	102	11	14	10	351	35	386
2005-y	146	114	109	34	40	36	369	110	479
2006-y	158	121	106	28	46	36	385	110	495
2007-y	238	164	150	66	49	58	552	173	725
2008-y	233	148	119	61	62	86	500	209	709
2009-y	325	216	176	73	61	51	717	185	902
2010-y	280	236	176	63	42	52	692	157	849
2011-y	302	214	216	77	60	67	732	204	936
2012-y	385	257	233	87	64	71	875	222	1 097
2013-y	311	252	187	77	67	67	750	211	961
2014-y	281	211	181	71	55	73	673	199	872
2015-y	308	205	167	66	56	38	680	160	840
2016-y	298	197	193	46	44	37	688	127	815
2017-y	268	189	198	51	28	41	655	120	775
2018-y	357	239	261	103	104	64	857	271	1 128
2019-y	267	189	167	101	82	91	623	274	897
2020-y	22	18	16	6	2	1	56	9	65
2021-y	148	91	80	69	45	50	319	164	483
2022-y	197	119	86	89	59	72	402	220	622
Barcha mavsumda jami	6 027	4 127	3 725	1 392	1 166	1 213	13 879	3 761	17 640

KIRIB KELGAN
YANGI YIL VA VATAN
HIMOYACHILARI KUNI
OQDARYOLIKLAR
UCHUN HAR
DOIMGIDAN
TAROVATLI VA
FAYZLI KELDI.
GAP SHUNDAKI,
SAMARQAND
VILOYATINING
OQDARYO TUMANIDA
“VATANPARVAR”
TASHKILOTI O’QUV
SPORT-TEXNIKA
KLUBINING YANGI,
ZAMONAVIY BINOSI
FOYDALANISHGA
TOPSHIRILDI.

Yangi yilda yangi bino

Binoning ochilish marosimida O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti markaziy kengashi raisi Husan Botirov, tashkilotning Samarqand viloyati kengashi hamda uning tasarrufidagi tuman va shahar o'quv muassasalari rahbarlari, Markaziy harbiy okrug qo'mondonligi, viloyat va tuman hokimliklari vakillari, mahalla faollari hamda yoshlar ishtirok etdi.

Davlat madhiyasi yangraganidan so'ng Husan Botirov tadbir ishtirokchilari va tashkilot xodimlarini Vatan himoyachilari kuni bilan muborakbod etar ekan, ushbu innovatsion texnologiyalar bilan jihozlangan yangi bino Oqdaryo tumani aholisi uchun "Vatanparvar" tashkilotining sovg'asi ekanini qayd etdi. U tashkilot yangi binosining ishga tushirilishi tuman aholisi, ayniqsa, yoshlarning ommaviy



texnik kasblarni egallashlari hamda sportning texnik va amaliy turlari bilan shug'ullanib, muvaffaqiyat qozonishlari uchun imkoniyatlar maskani ekanligini ta'kidladi.

"Vatanparvar" tashkiloti rahbari tomonidan tuman mahallalarida istiqomat qilayotgan "Yoshlar daftari"da ro'yxatda turuvchi 8 nafar yoshga tashkilotning viloyat kengashi va Yoshlar ishlari agentligi viloyat boshqarmasining haydovchilik kurslarida bepul o'qish huquqini beruvchi sertifikatlari hamda sportning texnik va amaliy turlari bo'yicha o'tkazilgan musobaqalarda sovrinli o'rnlarni egallab kelayotgan sportchilarga faxriy yorliq hamda esdalik sovg'alar topshirilishi tadbir ishtirokchilarining olqishlariga sazovor bo'ldi.

Tadbir haqiqiy bayramga ulanib ketdi. Harbiy ansambl tomonidan ijro etilgan kuy-qo'shiqlar yig'ilganlarning ko'nglini xushnud qildi.

So'ngra mehmonlar yangi bino ichkarisiga taklif qilindi. Bino bir qavatdan iborat bo'lib, uning hovli qismida bir vaqtning o'zida 30 nafar sportchi shug'ullanish imkoniyatiga ega bo'lgan "O'q otish" sport seksiyasi, mexanik va tibbiyot xonalari joylashgan. Binoning asosiy qismida esa haydovchilik kasbini o'rganishga mo'ljallangan, innovatsion texnologiyalar bilan jihozlangan, yiliga 800 nafarga yaqin avtomototransport haydovchilarini tayyorlash quvvatiga ega zamonaviy sinfxonalar, ma'naviyat va ma'rifat xonasi mavjud.

Yaratilgan sharoitlar barcha tashrif buyuruvchilar, ayniqsa, yoshlarda katta taassurot qoldirdi. Nuroniylar otaxonlari ushbu binoning barpo etilishining tashabbuskori bo'lgan "Vatanparvar" tashkiloti rahbariyati va uning qurilishida bosh-u qosh bo'lgan insonlarning haqqiga duo qildi.

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi
"Vatanparvar" tashkiloti matbuot xizmati

UCHRASHUV

NUKUS GARNIZONI
MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT
MARKAZIDA O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI QUROLI
KUCHLARI TASHKIL
ETILGANINING
31 YILLIGI MUNOSABATI
BILAN MADANIYAT VA
SAN'AT XODIMLARI
ISHTIROKIDA "MA'NAVIYAT
KARVONLARI" NOMLI IJODIY
UCHRASHUV BO'LIB O'TDI.

MA'NAVIYAT KARVONLARI



Unda O'zbekiston Respublikasi Ma'naviyat va ma'rifat markazi Qoraqalpog'iston Respublikasi bo'limi rahbari Tatlimurat Atamuratov, Qoraqalpog'istonda xizmat ko'rsatgan artistlar Gulixan Saribayeva va Jumagul Sidikova, "Nihol" mukofoti sovrindori Nauriz Maxamadiyev, Yozuvchilar uyushmasi a'zosi Rivoj Uterbayev, Mudofaa vazirligi huzuridagi Jamoatchilik kengashi Qoraqalpog'iston Respublikasi mintaqaviy bo'linmasi va Nukus harbiy prokuraturasi

xodimlari, shuningdek, harbiy xizmatchilar ishtirok etdi.

Tadbirda so'z olgan mehmonlar askarlarni yaqinlashib kelayotgan Vatan himoyachilari kuni bayrami bilan muborakbod etib, ezgu tilaklarini yo'llashdi. Hayot va faoliyatlari haqida so'zlab berdi, ijod namunalaridan parchalar keltirishdi.

Ha, Vatan tuprog'idan yaralgan asarlar boqiydir, deb aytib o'tgan edi zamondosh ijodkorlarimizdan biri. Darhaqiqat, ijodiy uchrashuvning aziz mehmonlari – o'zbek va qoraqalpoq xalqining vatanparvar, yurt fidoyilari o'z ijodlarida Vatan madhini keng tarannum etdilar. Shuning uchun ularning chiqishlarini tomoshabinlar gulduros qarsaklar bilan qarshi olishdi. Bir so'z bilan aytganda, shoir-u yozuvchi, aktyor-u xonandani bir davraga jamlagan ijodiy muloqot qiziqarli va ma'naviy o'g'itlarga boy bo'ldi. Uchrashuvdan ruhlangan askarlar ham katta sahnaga chiqib, she'r va qo'shiqlar bilan san'atga, ijodga yaqin ekanliklarini namoyon etishdi.

Shimoli-g'arbiy harbiy okrug matbuot xizmati

FAXRIYLAR – FAXRIMIZ

BIR GURUH HARBIY
XIZMATCHILAR
ZANGIOTA TUMANIDA
UMRGUZARONLIK
QILAYOTGAN IKKINCHI
JAHON URUSHI
QATNASHCHISI, MEHNAT
FAXRIYSI MINIBIKA
XAYRULENA XONADONIDA
BO'LISHDI.

SAVOB ISHGA BOSH QO'SHIB



Minibika Xayrulena 1924-yil 3-yanvarda ishchi oilasida tavallud topgan. U urush yillari front ortida mehnat qildi. Urushdan so'ng esa mahalla faoli sifatida butun umrini yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga bag'ishladi.

Muborak 99 yoshni qarshi olgan qahramonimiz endilikda nevara va chevaralarining ardoqli hamda suyukli buvisi sifatida keksalik gashtini surmoqda. Mahallada hamma uni hurmat qiladi, doimo holidan xabar olib, ehtirom ko'rsatadi.

Harbiylarning tashrfi Minibika Xayrulenani quvontirib yubordi. Bir piyola choy ustida samimiy suhbat bo'ldi. Onaxon bosib o'tgan hayot yo'li, turmush saboqlari va urush xotiralarini so'zlab berdi.

Tavallud kuni munosabati bilan harbiy qism komandiri yo'llagan tabriknoma, gullar, sovg'a-salom va harbiy san'atkorlar ijrosidagi kuy-qo'shiqlardan boshi ko'kka yetgan onaxon qo'llarini duoga ochib, ezgu tilaklarini bildirdi.

Podpolkovnik Elyor TILLAQO'ZIYEV

INTIQ KUTILGAN DIYDOR

O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Surxondaryo va Jizzax viloyatlari hokimliklari hamkorligida Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrugning Xayrobod, Markaziy harbiy okrugning Jizzax garnizonlarida muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan askarlar hamda ularning ota-onalari, yaqinlari uchun telemuloqot tashkil etildi.



“Milliy armiyamiz Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqonidir!” shiori ostida O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 31 yilligi va Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan o'tkazilgan tadbir “Mening farzandim yurt himoyachisi va armiya ilg'ori, mahallamiz iftixori” mavzusiga bag'ishlandi.

Telemuloqotda Surxondaryo viloyati hokimining o'rinbosari, oila va xotin-qizlar boshqarmasi boshlig'i Zulxumor Hidirova, Janubiy operativ qo'mondonlik xotin-qizlar va harbiy xizmatchilarning oila a'zolari bilan ishlash bo'yicha yetakchi mutaxassisi Dilorom Odilova, Mudofaa vazirligi huzuridagi Jamoatchilik kengashi viloyat mintaqaviy bo'limi, Termiz harbiy prokuraturasi vakillari so'nggi yillarda mamlakatimiz Qurolli Kuchlarida amalga oshirilayotgan islohotlar haqida atroflicha fikr yuritdi. Milliy armiyamiz saflarida yigitlik burchini sharafla bilan o'tayotgan muddatli harbiy xizmatchilar va ularning ota-onalariga chuqur minnatdorlik bildirib, Vatan himoyachilari kuni bilan muborakbod etishdi.

Tadbirda Surxondaryo viloyatida xizmat qilayotgan bir guruh jizzaxlik askarlar va Jizzax viloyatida konstitutsiyaviy burchini o'tayotgan surxondaryolik muddatli harbiy xizmatchilar ota-onalari, qarindoshlari bilan teleko'prik orqali



diydor ko'rishib, o'zaro suhbatlashdi. Askarlar harbiy xizmat chog'ida ma'nan va jismonan toblanib, erishgan yutuqlari xususida faxr bilan so'z yuritdi. Ularning ota-onalari va yaqinlari mahallalarida yuz bergan o'zgarishlar, oilalaridagi yangiliklar to'g'risida atroflicha ma'lumot berdi.

– Yigit uchun ona tuprog'ini himoya qilishdan yuksak burch bo'lmasa kerak, – deydi oddiy askar Komil Mahmudov. – Jizzax garnizonidagi harbiy qismlardan birida yigitlik burchimni sharafla bilan bajarayotganimdan faxrlanaman. Harbiy xizmat men uchun haqiqiy hayot maktabi vazifasini o'tamoqda. Bu yerda ko'plab do'stlar ortirdim. Harbiy qismda biz, askarlar uchun zamonaviy sharoitlar yaratilgan. Bo'sh vaqtlarimizda turli kitoblar mutolaasi bilan shug'ullanamiz. Mashg'ulotlarda jismonan chiniquamiz. Bugungi teleko'prikda onam bilan dildan suhbatlashib, barcha yangiliklarni eshitdim. Erishayotgan yutuqlarimni birmabir gapirib berdim. Uydagilarni sog'ingan edim. Ular bilan yuzmayuz gurgunlashgandek bo'ldim.

– O'g'lim Arslonbekning Vatan oldidagi farzandlik burchini a'lo darajada o'tayotganidan faxrlanamiz, – deydi askar onasi Hulkar Ahadova. – Bugun o'g'lim bilan teleko'prik orqali ko'rishib, harbiy xizmatchilarga mehrim yanada oshdi. Shunday tinch, to'kin yurtda yashayotganimizdan faxrlandim. O'g'limizni sog'ingan ekanmiz. Uning yutuqlarini, Surxon vohasidan olayotgan boy taassurotlarini tinglab, juda quvondik. Bizga bunday imkoniyatni yaratib bergan barchaga cheksiz minnatdorlik bildiramiz.

Tadbir yakunida Termiz garnizonida xizmat qilayotgan muddatli harbiy xizmatchilarga Surxondaryo viloyati hokimligining esdalik sovg'alari topshirildi.

Termiz garnizoni ma'naviyat va ma'rifat markazi harbiy orkestri jamoasining Vatan, osuda hamda obod turmush, mehr-muhabbatni madh etuvchi kuy-qo'shiqlari barchaga bayramona kayfiyat ulashdi.

**III darajali serjant
Akbar AHMEDOV**
Termiz garnizoni

E'TIROF

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш, фуқароларда миллий армиядан фахрланиш ва унга бўлган ишонч ҳиссини ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, ёшлар, шунингдек, профессионал шоир ва ижодкорлар ўртасида «Посбониман муқаддас юртнинг» мавзусидаги насрий ва шеърӣ асарлар танлови ташкил этилган эди.

Танловнинг республика босқичида иштирокчилар томонидан тақдим қилинган барча ижодий ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан текширилиб, ғолиблар аниқланди.

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Посбониман муқаддас юртнинг» иншо (ҳикоя) ва шеърлар танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирни Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид очиб берар экан, Ватан ҳимоячилари халқнинг том маънодаги қаҳрамонлари, фидойилари эканини таъкидлаб ўтди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бу танлов Қуролли Кучлар тизимидаги 6 та ҳарбий тузилмаларда ўтказилиб, танловнинг республика босқичига 18 нафар иштирокчи иншо ҳамда 15 нафар иштирокчи шеърлар тақдим этган. Профессional ижодкорлардан жами 41 нафари иштирок этган бўлиб, улардан 27 нафар шоирнинг танловга тақдим этган 60 дан ортиқ шеъри, 14 нафар ёзувчи-публицистнинг 20 га яқин насрий асарлари ўрганиб чиқилди.

Энг қувонарлиси, танловнинг профессионал ижодкорлар ўртасидаги шеърӣ асарлар йўналишида «Ватанпарвар» бирлашган таҳририяти ходими, Қуролли Кучлар хизматчиси Беғали Эшонқулов «Эломон» достони учун фахрли 1-ўринни қўлга киритган бўлса, Қуролли Кучлар тизими ҳарбий хизматчилари ўртасидаги шеърӣ асарлар йўналишида Мудофаа вазирлиги кичик сержанти Раҳимжон Қаюмов «Ватан» мавзусидаги шеърлари учун фахрли 1-ўринга лойиқ топилди.

Ушбу ютуқлар ғолибларга Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Рес-



публикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги байрамига муносиб совға бўлди.

Ўз мухбиримиз

HARBIY-VATANPARVARLIK FESTIVALI

**Vatan himoyachilari kuni bayrami shukhi
kezib yurgan tarovatli kunda jasorat
va mardlik timsoli bo'lgan Jaloliddin
Manguberdi yodgorlik majmuasida
“Milliy armiyamiz Yangi O'zbekistonning
mustahkam qalqonidir!” shiori ostida
“Armiya va yoshlar” festivali o'tkazildi.**



Minglab yurtdoshlarimizni jamlagan festivalda Xorazm viloyati hokimi vazifasini bajaruvchi Jo'rabek Rahimov ishtirok etdi. U barcha yurtdoshlarimizni Vatan himoyachilari kuni bayrami bilan samimiy muborakbod etar ekan, xalq va armiya yakdilligini yanada mustahkamlash, yosh avlod qalbida harbiy-vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirish

maqsadida o'tkazilayotgan bu kabi tadbirlar yoshlarimizning ijtimoiy faolligini oshirish bilan birga ularda Vatan va xalq taqdiriga daxldorlik hissinı kuchaytirishi bilan qimmatli ekanligini iftixor bilan so'zladi. Shimoli-g'arbiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondoni polkovnik Farhodjon Shermatov esa ushbu festivalning aynan Jaloliddin Manguberdi



yodgorlik majmuasida o'tkazilayotganida ramziy ma'no borligini, zero, yoshlarimiz hamda harbiy xizmatchilarda milliy, ma'naviy va jangovar ruhni yuksaltirish bilan bir qatorda mardlik, jasorat hamda ona Vatanga sadoqat tuyg'ularini tarbiyalash ajdodlarimizning umr yo'li ibrat maktabi bo'lishini ta'kidladi.

Shu kuni yodgorlik majmuasida bayram sayli bo'lib o'tdi. Tashkil etilgan o'quv nuqtalarida 3 km masofaga yugurish, armrestling, tosh ko'tarish va turnikda tortilish, pnevmatik quroldan o'q otish, arqon tortish musobaqalari o'tkazildi. Bellashuvlarda yoshlarimiz harbiy xizmatchi akalari bilan birga kuch sinashdi.

Nukus garnizoni harbiy orkestri ijrosidagi vatanparvarlik, mardlik va sadoqatni tarannum etuvchi kuy va qo'shiqlar barchaga bayramona kayfiyat ulashdi.

Aholi, ayniqsa, bolalar yuz-ko'zidagi quvonch, bayramona kayfiyat, xotirjamlik hissi, ishonchga yo'g'rilgan dadil nigohlar qalblarni ajib bir tuyg'ularga to'ldirdi. Bularning bari aziz va muqaddas ona Vatanga bo'lgan muhabbat chorrahasida tutashgani bilan ahamiyatli edi.

**Shimoli-g'arbiy harbiy okrug
matbuot xizmati**

✓ **VIDEOKONFERENSIYA**

DO'STLAR DIYDORLASHDI

**Muddatli harbiy xizmatga ketgan o'g'lonlarning
ota-onalari, opa-ukalari, yaqinlari bilan
diydorlashuvi o'ziga xos bayramga aylanib
ketishi ayni haqiqat. Quvonchdan porlagan
ko'zlar, ezgulikka yo'g'rilgan so'zlar, sog'inching
ohangdagi ifodasi... Bularga guvoh bo'lish
qanchalar yoqimli.**



Qoraqalpog'iston Respublikasi Mudofaa ishlari boshqarmasida o'tkazilgan “Mening do'stim – Vatan himoyachisi!” mavzusidagi ma'rifiy tadbir ayni vaqtda milliy armiyamiz saflarida xizmat qilayotgan o'g'lonlar va ularning yaqinlariga ana shunday unutilmas onlarni tuhfa qildi. Tadbirda Nukus va Andijon garnizonlarida muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan askarlar videokonferens-aloqa tizimi orqali do'stlari bilan onlayn diydorlashdi. Yigitlarning ko'zlarida jilva qilgan samimiyat ko'ngillardan ko'ngillarga ko'chdi. Eng muhimi, do'stlik, oqibat tushunchalarining qanchalik ulug' tuyg'ular ekanligi mana shu tadbir davomida yaqqol bo'y ko'rsatdi.

Quvonchli lahzalar, kulgu va xursandchilik bilan o'tgan tadbirning badiiy qismida qoraqalpoq milliy mumtoz kuy hamda qo'shiqlari yig'ilganlarga bayramona kayfiyat bag'ishladi.

Shimoli-g'arbiy harbiy okrug matbuot xizmati

✓ **TASHABBUS**

QO'MONDONNING ILMIY YUTUG'I

**Markaziy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondoni
polkovnik Oybek Saidov psixologiya fanlari
bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasiga
ega bo'ldi.**



Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti huzuridagi ilmiy darajalar beruvchi Ilmiy kengashning majlisida “Qurolli Kuchlar tizimida rahbar xodimlarning boshqaruv kompetentligini oshirishning ijtimoiy-psixologik jihatlari” mavzusidagi ilmiy ishini himoya qilgan qo'mondonga falsafa doktori (PhD) diplomini O'zbekiston Milliy universiteti Ilmiy kengash raisi, psixologiya fanlari doktori, professor Dilbar Muhamedova topshirdi.

Tadbirda so'zga chiqqanlar harbiy okrug miqyosida jangovar tayyorgarlik bilan bir qatorda harbiy xizmatchilarning ilmiy salohiyatini oshirishga alohida e'tibor qaratilayotganini ta'kidladi. Markaziy harbiy okrug qo'mondonining bu boradagi shaxsiy tashabbusi barchaga o'rnak bo'lishi e'tirof etildi.

Markaziy harbiy okrug matbuot xizmati

MAMLAKATIMIZ QUROLI KUCHLARI TASHKIL ETILGANINING 31 YILLIGI VA VATAN HIMOYACHILARI KUNI MUNOSABATI BILAN YOSHLARNI IJTIMOIIY FOYDALI HAMDA OMMAVIIY VATANPARVARLIK ISHLARIGA KENG JALB ETISH MAQSADIDA JOYLARDA HARBIY-VATANPARVARLIK VA MA'NAVIY-MA'RIFIY TADBIRLAR O'TKAZILMOQDA.

QAHRAMONLIK VA JASORAT TARG'IBOTI



Fursatdan foydalanib, "Vatanparvar"

tashkiloti Qashqadaryo viloyati kengashi tasarrufidagi Kitob tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi barcha

yurtdoshlarimizni diyorimiz tinchligi va osoyishtaligi uchun matonat bilan xizmat qilayotgan harbiylarni mamlakatimiz Qurolli

Kuchlari tashkil etilganining 31 yilligi va 14-yanvar – Vatan himoyachilari kuni bilan samimiy tabriklaydi.

Bayramingiz muborak bo'lsin, tinchligimiz posbonlari!



Xususan, O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Qashqadaryo viloyati kengashi tasarrufidagi Kitob tumani o'quv sport-texnika klubi tomonidan "Vatanparvarlik oyli" doirasida o'quvchi-yoshlarni harbiy kasbga yo'naltirish, ularni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash maqsadida "Milliy armiyamiz Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqonidir!" shiori ostida ma'naviy-ma'rifiy tadbir va ochiq eshiklar kuni o'tkazildi. Shuningdek, o'quvchi-yoshlar o'rtasida turli mavzularda ko'rik-tanlovlar hamda sportning texnik va amaliy turlari bo'yicha sport musobaqalari tashkil etildi.

– Muhim sana munosabati bilan o'tkazilgan uchrashuv, tadbirlar va davra suhbatlarida keng jamoatchilik vakillari, harbiy xizmatchilar hamda faxriylar tomonidan ishtirokchilarga

yurtimiz tinchligi va osoyishtaligini saqlashda, ayniqsa, yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda mamlakatimiz Qurolli Kuchlarining o'rni va ahamiyati tushuntirildi, – deydi O'STK boshlig'i Sharifjon Temirov. – Tuman hokimligi, mudofaa ishlari, ichki ishlar, maktabgacha va maktab ta'limi bo'limlari, Yoshlar ishlari agentligi va boshqa tashkilotlar bilan hamkorlikda tashkil etilgan bunday tadbirlarda yoshlarning keksa avlod vakillari bilan uchrashuvi o'ziga xos an'anaga aylangan. Albatta, mahallalarda, o'quv muassasalarida va jamoat tashkilotlarida o'tkazilgan tadbirlarda ota-bobolarimizning ko'rsatgan qahramonlik va jasoratlari keng targ'ib etiladi.

Shu o'rinda ta'kidlash joizki, Kitob tumani o'quv sport-texnika klubida ommaviy kasb mutaxassislarini tayyorlash, shuningdek, sportning texnik

va amaliy turlarini rivojlantirish borasida ham muayyan ishlar amalga oshirilmoqda. O'tgan yilda ming nafarga yaqin "B", "BC", "BE", "CE" hamda "D" toifali haydovchilar tayyorlandi. Bundan tashqari, tumandagi "Yoshlar daftari" ro'yxatiga kiritilgan yoshlarning 100 nafari "Gaz-elektrpayvandchi", "Avtochilangar" hamda "BC" toifali haydovchilik kurslarini imtiyozli ravishda bitirib chiqishgan bo'lsa, 50 nafar yosh esa traktorchi-mexanizator kasbiga ega bo'ldi.

Bugungi kunda klub qoshida faoliyat ko'rsatayotgan "Havo miltig'idan o'q otish", "Karting", "Avtosport" va "Radioaloqa" kabi seksiyalarda qatnashayotganlarning safi yil sayin kengayib borayotgani quvonarli. Bunda davlat va jamoat tashkilotlari, harbiy qism hamda muassasalar bilan yo'lga qo'yilgan hamkorlik aloqalari muhim o'rin tutmoqda.

MASHG'ULOTLAR SAMARADORLIGI ORTMOQDA

KEYINGI YILLARDA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOAASIGA KO'MAKLASHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKILOTINING XORAZM VILOYATI KENGASHI TASARRUFIDAGI TUPROQQAL'A TUMANI PITNAK O'QUV SPORT-TEXNIKA KLUBI JAMOASI TOMONIDAN YOSH AVLODNI ONA VATANGA SADOQAT RUHIDA TARBIYALASH, ULARNI HAR TOMONLAMA YETUK VA BARKAMOL QILIB VOYAGA YETKAZISH BORASIDA MUAYYAN NATIJALARGA ERISHILMOQDA.

Bu boradagi ishlar, ayniqsa, O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 31 yilligi va Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan o'tkazilgan "Vatanparvarlik oyli" doirasida yanada samarali bo'ldi. Muhim sanaga bag'ishlab, hamkor tashkilotlar ko'magida bir qancha ma'naviy-ma'rifiy va sport tadbirlari tashkil etildi. Jumladan, Prezident ta'lim muassasalari agentligi tizimidagi Tuproqqal'a tumani ixtisoslashtirilgan maktabida o'tkazilgan tadbir ham tuman hokimligi, mudofaa ishlari, maktabgacha va maktab ta'limi bo'limlari, Yoshlar ishlari agentligi va boshqa tashkilotlar bilan hamkorlikda tashkil etildi.

– Hamjihatlik va ahillik bilan ko'rsatayotgan faoliyatimiz yoshlarimizning yetuk insonlar sifatida kamol topishiga, sifatli ta'lim olishiga munosib ulush qo'shayotgani kishini mamnun qiladi, – deydi O'STK boshlig'i G'afur Ro'zimov. – Shu o'rinda haqiqiy ma'nodagi yelkadoshlik, safdoshlik bilan amalga oshirayotgan ishlarimiz tufayli tashkilotimiz nufuzi va salohiyati yuksalib bormoqda. Ana shu birgina asos ham bu yerda kasb sir-asrorlarini o'rganayotgan yoshlarning o'z kasbi, qolaversa, turli sohalar bo'yicha muvaffaqiyatlarga erishishlarini ta'minlamoqda. O'tgan yil mobaynida jami 10 ta

tuman, 15 ta klub musobaqalari o'tkazilib, tuman yoshlarining ular muvaffaqiyatli ishtiroki ta'minlandi. Masalan, pitnaklik kartingchilardan Do'stiyorbek Rustamov, Egamberdi va Zafarbek Otajonov viloyatda karting musobaqasida faxrli 1-o'rinni egallab, respublika terma jamoasi a'zoligiga qabul qilindi. Ayni paytda O'STK qoshida faoliyat ko'rsatayotgan "Havo miltig'idan o'q otish", "Karting", "Yozgi biatlon" va "Aviamodel" kabi seksiyalarda 56 nafar yosh jadval asosida muntazam shug'ullanmoqda.

Tashkilotning yana muhim yo'nalishlaridan biri ommaviy kasb xodimlarini tayyorlash ishlari ham muvaffaqiyatli bajarilmoqda. O'tgan yilda 500 nafarga yaqin turli toifali haydovchi tayyorlandi. Shu kunlarda yana bir necha guruhda "B", "BC" toifali haydovchilikka nomzodlar o'qitilmoqda. Shuningdek, tumandagi "Yoshlar daftari"ga kiritilgan yoshlarning 100 nafari "BC" toifali haydovchilik kurslarini imtiyozli ravishda bitirib, haydovchilik kasbiga ega bo'ldi.

Bugungi kunga kelib, bu yerda ko'p yillik ish tajribasiga ega o'qituvchi va amaliy boshqarishni o'rgatuvchi-ustalar talaygina. Ularning tajribasidan unumli foydalanish natijasida mashg'ulotlar samaradorligi ortmoqda.



"Vatanparvar" tashkiloti Xorazm viloyati kengashi tasarrufidagi Pitnak o'quv sport-texnika klubi jamoasi barchangizni mamlakatimiz Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 31 yilligi va 14-yanvar – Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan chin dildan muborakbod etadi. Shu aziz Vatanga, xalqimiz xizmatiga doimo shay bo'lib, ozod va obod yurt istiqboli uchun yashash hamda xizmat qilishda zafar yor bo'lsin!

ЗАМОНАВИЙ ВА ШИНАМ МАСКАН

Юртимизда
Ўзбекистон
Республикаси
Қурулди
Кучлари ташкил
этилганининг
31 йиллиги
ҳамда Ватан
ҳимоячилари
куни байрами
муносабати билан
жорий этилган
«Ватанпарварлик
ойлиги»
доирасида
ўтган йили
фойдаланишга
топширилган
Нукус ҳарбий
госпитали
Қорақалпоғистон
Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги
мутахассислари
ҳамда тиббиёт
институтини
талабалари учун
ўз эшигини очди.



Меҳмонлар тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилган ҳарбий госпиталда яратилган кенг имкониятлар, замонавий тиббий ускуналар, стационар беморлар учун мавжуд қулайликлар билан яқиндан танишиб, ҳарбий тиббиёт мутахассислари билан фикрлар алмашди. Учрашув доирасида госпиталь қошида 2022 йилда фаолиятини бошлаган «Тактик медик (парамедик)лар» ўқув курси тингловчилари томонидан жангда жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича кўргазмалар машғулот намойиш этилди.

Таъкидлаш жоизки, энг замонавий тиббий асбоб-ускуна ва анжомлар билан жиҳозланган госпиталда қу-

лоқ-томоқ, кўз, тери-таносил касалликлари шифокори, гинеколог, жарроҳ, стоматолог, невропатолог, рентгенолог каби малакали шифокорлар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига хизмат кўрсатмоқда. Фавқуллодда ҳолатларда бир йўла 100 нафарга яқин беморларни қабул қилиш, уларга сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш имкониятига эга бўлган даргоҳда эндиликда жарроҳлик амалиётлари шу ернинг ўзида ўтказилади, терапия ҳамда юқумли касалликлар билан хасталанган беморлар стационар даволанади ва барча турдаги лаборатория текширувлари амалга оширилади.

Госпиталда Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали ҳамда бошқа етакчи тиббиёт муассасаларининг тажрибали шифокорлари билан онлайн видеоалоқа тизими ўрнатилган бўлиб, бу касалликларга тўғри ва самарали ташхис қўйишга ёрдам беради.

Замон билан ҳамнафасликда амалга оширилган бу каби улкан ўзгаришлар, юрт ҳимоячиларининг соғлиғини сақлаш учун яратилган шинам ва қулай шарт-шароитлар меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирди.

Подполковник Тимур НАРЗИЕВ,
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
матбуот хизмати бошлиғи

✓ AN'ANA

E'tibor va e'tirof

Yurtimizda Vatan himoyasi kabi sharaflı, ulug'vor ishga o'z hayotini bag'ishlagan, hozirda nafaqadagi faxriylarni hurmat va e'zoz bilan qadrlab, ularning holidan xabar olishdek ezgu ishlar an'anaga aylangan.



1948-yilda tug'ilgan iste'fodagi podpolkovnik Ergashbek Mahmudov ham Vatan himoyachisi sifatida Mudofaa vazirligi tizimida uzoq yillar xizmat qilgan harbiylardan biri.

Mudofaa vazirligi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy institutining bir guruh harbiy xizmatchilari iste'fodagi podpolkovnik Ergashbek Mahmudovni 75 yoshi bilan tabriklash maqsadida uning xonadonida bo'ldilar.

Ergashbek Mahmudov bir piyola choy ustida mehmonlar bilan o'zining yorqin xotiralari bilan o'rtoqlashdi. Harbiy xizmatchilar tomonidan Ergashbek Mahmudovga jamoaning tashakkurnomasi hamda esdalik sovg'alari topshirildi.

Mayor Sherqo'zi HAKIMOV,
Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va
aloqa harbiy instituti

✓ DIL IZHORI

Vatan himoyasida posbondirsizlar!

14-yanvar – Vatan himoyachilari kuni. Shu munosabat bilan barcha mard va jasur o'zbek yigitlarini samimiy muborakbod etaman.

Albatta, har bir erkak o'z kasbi va xarakteriga qaramasdan, tabiatan Vatan himoyachisidir. Insoniyatning barcha eng yuksak va kuchli tomonlari jamlangan holda, sizning yakdilligingizni, bir so'zligingizni, idrok va kuchingizni, ishonchli tirg'ak va suyanch ekaningizni qadrlayman. Axir siz Vatan himoyasida posbondirsizlar!

Men uchun suyuqlik, mehribon, jonkuyar, hayot yo'limdagi yelkadoshim, oilamiz faxri, shirin-shakar farzandlarimning mehribon dadajonisi, Sizni ham kasb bayramingiz bilan chin qalbimdan tabriklayman. Oilamiz, farzandlarimiz baxtiga doim sog'-salomat bo'lishingizni yaratgandan so'rab qolaman.

Siz va sizga o'xshagan Vatani uchun jonini fido qiluvchi, yurtga sodiq, dovyurak harbiylar borki, yurtimiz tinch, osmonimiz musaffo. Sizlar borki, shu yurtda yashayotgan, unib-o'sib kelayotgan yosh avlod erkin nafas oladi, to'y-u tomosha, bayram-u tantanalar bo'ladi.

Sizga ishlaringizda zafarlar, yuksak parvozlar tilayman. Har doim bilaklaringizdan kuch-quvvat arimasin, yuragingiz Vatan ishqida yonib yashasin. Ko'zlaringiz taqdirning ajoyib tuhfaralaridan porlayversin!

Sizday Vatan posbonining umr yo'ldoshi bo'lganimdan faxrlanaman.

Nafisa XUDDIYEVA



Bahom ABDURAHIMOV



ҒОЛИБ ИЖОДКОРЛАР тақдирланди



Ватан ҳақида айтилган сўз қалбнинг туб-тубига етиб боради. Нега, биласизми? Чунки бу калом юракка яқин. Шунинг учун у ҳар доим Она номи билан биргаликда истифода этилади. Бизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга

етказган онамиз қанчалик азиз бўлса, Ватан ҳам мукарамдир. Онани эъзозлаган, унга эҳтиром кўрсатган фарзанд Ватанни ардоқлайди, уни кўз қорачигидек асрайди, дейдилар. Ҳақ гап. Бу сўзнинг исботини Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» бирлашган таҳририяти томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб муштарийлар, ҳарбий хизматчилар, журналист ва ижодкорлар ўртасида ўтказилган публицистик мақолалар танловига келган ижодий ишлар ҳам исботлади.

Миллий армиямиз қўшинларининг ҳарбий қудратини, жанговар сафларда хизмат қилаётган Ватан ҳимоячиларининг фидойилиги, жасорати ва қаҳрамонликларини, улуғ аجدодларимиз қолдирган бой маънавий меросни кенг тарғиб қилиш, хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган юрт посбонлари хотирасини абадийлаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг юксак маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик сифатларини ошириш, Ватан тақдирини ва унинг мустақиллиги учун масъулият ҳиссини, фуқаролик позициясини кучайтириш, улар қалбида Ватанга муҳаббат, Қуролли Кучлардан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга чуқур ҳурмат туйғуларини камол топтириш мақсадида ўтказилган танловда 60 дан ортиқ ижодкор жами 150 дан ортиқ мақола билан қатнашди. Бу мақолаларни мутолаа қилиб шунга амин бўлдикки, Ватанни ҳар ким ўзича таърифлайди, унга муҳаббат ҳар бир юракда бўлакча. Лекин уларни бирлаштириб турадиган бир нарсаси бор, у ҳам бўлса, оддийлик ва самимият. Ижод намуналарида мана шу сифат уфуриб турган, Ватан мадҳини жуда гўзал ва ўзига хос тарзда ифода эта олган 38 кишининг жами 42 та мақоласи «Ватанпарвар» газетасининг бир неча сонларида эълон қилинди. Улар орасидан эса ғолибликка муносиблар саралаб олинди.

Ниҳоят, Қуролли Кучлар давлат музейида танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошқарма бошлиғи полковник

Меҳриддин Қўчқоров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Жонузок, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ-шунослик институти катта илмий ходими Абдусаттор Жуманазар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва танлов ғолиблари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ўтказилган танловнинг аҳамияти, бадиий ва маънавий қиммати ҳақида атрофлича фикр юритди. Ғолибларни табрик-лаб, самимий тилакларини билдиришди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 31 йиллиги ҳамда «Ватанпарвар» газетаси чоп этила бошлаганининг 30 йиллигига бағишлаб, «Ватанпарвар» кутубхонаси» сериясида нашрдан чиқарилган «Армия билан ҳамқадам, ҳамфикр, ҳамнафас» китобининг аҳамияти ҳақида тўхталиб, ундаги миллий қўшинлар фаолиятига доир публицистик мақолаларни эътироф этди.

Шундан сўнг ғолиб ва совриндорлар эълон қилинди. Унга кўра, 1-ўринни «Сурхон ёшлари» газетаси бош муҳаррири Алибек Анварий (базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) баробари миқдорида пул мукофоти ҳамда 1-даражали диплом), 2 та 2-ўринни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Адлия вазирлиги ходими Акмал Жумамуродов ва Наманган давлат университети профессори Абдирашид Мирза-аҳмедов (базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 (ўн беш) баробари миқдорида пул мукофоти ҳамда 2-даражали диплом), 3 та 3-ўринни эса Қамаш туманидаги мактаб ўқитувчиси Сирожиiddин Жуманазар, «Данғара» газетаси бош муҳаррири Ўктамхон Акбаров ва ДХХ масъул ходими Меҳриддин Муратов (базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорида пул мукофоти ҳамда 3-даражали диплом) қўлга киритди.

Фавқудодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати ходими Баҳодир Валиев, «Хуррият» газетаси муҳбири Камолиддин Рўзиматов, шоир ва журналист Икромжон Аслий-Андижоний ва Чирчиқ олий танк-қўмондонлик муҳандислик билан юрти курсанти Самандар Сайдивалиев эса рағбатлантирувчи мукофот (базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 (олти) баробари миқдорида пул мукофоти ҳамда диплом) билан тақдирланди.

Фурсатдан фойдаланиб, таҳририятимизга ўз ижод намуналарини юборган барча иштирокчиларга миннатдорлик билдириб, кейинги танловларимизда ҳам фаол бўлишларини кутиб қоламиз.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

@Vatanparvargazetasi_bot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati
bilan bog'lanish uchun telegram bot



SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI

VATANPARVAR

MUASSIS



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

general-mayor Hamdam Qarshiyev
polkovnik Otabek Yuldashev
polkovnik Alisher Boboxonov
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan
farqlanishi mumkin.
Gazeta Mudofaa vazirligi Axborot
va ommaviy kommunikatsiyalar
departamenti – “Vatanparvar” birlashgan
tahririyatining kompyuter markazida
sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida 2008-yil
6-iyunda 0535 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 260-29-41
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: leytenant Dilshod Ro'ziqulov

Sahifalovchi: Nodirabegim Ne'matova

Musahhih: Mastura Qurbonova

Buyurtma: G-0105

Hajmi: 6 bosma taboq

Bichimi: A3

Adadi: 30 199 nusxa

Bosishga topshirish vaqti: 14:00

Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani
rasmilashrtirgan tashkilot javobgar.

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop
etilishiga “O'zbekiston” HMIU mas'ul.

Gazeta juma kuni chiqadi.

Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq
boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.

Bahosi: kelishilgan narxda.

“O'zbekiston” nashriyot-matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri,
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:

100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi



www.mv-vatanparvar.uz
www.mudofaa.uz



mudofaavazirligi



mudofaavazirligi



www.youtube.com/c/UzArmiya